

Маълумингизким, апрел ойининг аввалида мамлакатимизга дунё нақшбандийа тариқати издошлари раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний, Амиқо олий Ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний бошлиқ бир гуруҳ меҳмонлар келишган эди. Меҳмонларни 10 апрел куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабул қилди.

Мулоқот чоғида меҳмонлар Ўзбекистонда Ислом дини ва у билан бир қаторда бошқа динлар ривожини учун амалга ошириляётган улкан ишларга, мамлакатда Ислом таълимини чуқурлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга юксак баҳо беришди.

Амиқолик меҳмонлар Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида ҳам бўлдилар. Кейинроқ Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийидаги табаррук қадамжоларни зиёрат қилишди.

Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида улар эл-юрти-



миз ва улуг имом ҳаққига Куръондан тиловатлар ва эзгу дуолар қилишди. Шундан сўнг мажлиснада меҳмонларнинг имом-хатиблар, мударрислар ва талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди.

ИМОН, ИХЛОС БИЛАН ЯШАЙЛИК

Шайх Муҳаммад НОЗИМ АЛ-ҲАҚҚОНИЙ:

– Ассалому алайкум! Сизлар билан учрашиб турганимдан бениҳоят хурсандман. Раҳматлик устозим: «Ўзбекистонни яланг оёқ зиёрат қил, чунки у юртнинг ҳар қарич ерида валийлар ётибди», деган эдилар. Мендан энг бахтиёр пайтингиз қайси кунлар, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай, Ўзбекистон диёрида бўлган кунларим, деб жавоб берар



эдим. Чунки биз нақшбандийа тариқати йўлини тутганмиз, у ҳазрат эса сизларнинг боболарингиздир. Шу юртда ўсган, улғайган, валийуллоҳ бўлиб етишган ва шу юрт тупроғида ётибди.

Бу маконга минг, беш минг, ўн минг чақирим йўл босиб зиёратга келишади. Шун-

чаки сафарга эмас, балки Имом ал-Бухорийнинг қабрларини зиёрат қилгани келишади. Куръонда «Улар тирикдурлар, Аллоҳ томонидан ризқлантириб турилади»; «Қиёмат куни ҳар бир қавм ўз имоми билан келади», мазмунли оятлар бор. Улар Аллоҳ ҳузурини тирик эканлар, авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш хайрли ишдир. Боболаримиз ихлос билан, имон билан яшаганлар. Ҳақни билмоқ керак. Имом Бухорий ҳазратлари мени бир кичик мурид деб қабул қилсалар, энг катта шарафим бўлар эди.

Мамлакатингиз кундан-кунга яшнамоқда, масжид, мадрасалар кўпаймоқда. Албатта, сиздек талабалар орасидан ҳам келажакда бухорийлар, мотуридийлар, фарғонийлар, нақшбандийлар чиқажак, иншааллоҳ. Фақат мустақилликнинг, тинч-тотувликнинг қадрига етиш керак. Бундай муҳташам ёдгорлик мажмуининг саккиз ойда қуриб битказилиши сизларнинг Аллоҳга севгингиздан, Имом ал-Бухорийга бўлган юксак хурматингиздан далолат беради.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

**Сафар БАҚОНИЙ,
Асомиддин ЭЛТОЙ**

ёзиб олди

Мундарижа

Меҳмонларимиз Имон, ихлос билан яшайлик	1
Ҳаж таассуротлари Мубашшир АҲМАД Умрга татиғулик ибодат.....	4
Ислом ва илм Толибжон НИЗОМОВ Икки қанот соғлом бўлса.....	5
Адабий таҳлил Баҳодир КАРИМ Теварақдан шом азони эшитиладир.....	6
Мужда Улар мен севган кишилардир.....	9
Мовароуннаҳр уламолари Абдуқаюм АЗИМОВ, Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ Ҳадис илми табиби	12
Сўранг, жавоб берамиз.....	13
Мустақилликнинг 10 йиллигига Лаҳзалар, сиймолар, хотиралар.....	16
Оналар ва болалар йили Абдулазиз САИДНУРИДДИН ўғли Кашандалик келажакни заҳарлашдир..... Тиббиёт бурчаги Қон босимини туширади.....	19
Ислом ва олам Илм дунёсига хушхабар.....	22
Рангин туйғулар Аҳмадали МАСЪУДАЛИ ўғли Қалдирғочлар келармикан.....	23
Шеърят Муҳаммад ЗАРИФ ҲИКМАТЗОДА Ишқ офтоби кўксимга ботди.....	26
Мўъжиза Қуръон сураларининг фазилатлари..... Насиҳат Турсунхўжа ҲИДОЯТХЎЖАЕВ Тиловат ва хотира.....	27
Болалар саҳифаси.....	28
Ҳолат Отабек ҒАЙБУЛЛОҲ ўғли Жанозамнинг дуоси.....	29
Мерос Зоҳиджон ИСЛОМОВ Адаб илми дурдонаси.....	30
Ибратли ривоятлар Баракотли кун.....	31

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларига
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ноҳоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Мусулмон одоби

Муҳаммад СИДДИК

8

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Таҳорат олиш учун шундай жой танлаш лозимки, қуйилган сув ердан кийим-бошга сачрамасин. Зеро, покланиш учун таҳорат қилатуриб, кийим-бошни булғаб олиш ман-тиққа зид.

Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар

10



Мунозара

Аҳмад Дийдод

14

ИНЖИЛ БАШОРАТИ

Ер юзида милёнлаб имон келтирганлар Муҳаммад (с.а.в.) туфайли Исо алайҳиссаломнинг мўъжизавий туғилиши, «Масих» эканлиги, Аллоҳ амри билан ўликларни тирилтиргани, туғма кўзи ожизларни ва моховларни даволаганини билдилар. Исо ва унинг онаси Марям ҳақида ажойиб сўзлар айтган улуғ инсон ҳақида Инжилда, албатта, бирор нарса бўлиши керак!

Мулоҳаза

18

Аъзам ЎКТАМ

«МАЗМУНИ ОЧИЛМАГАН...» ШЕЪР ЭМАС

Улуғ мутафаккир шоир китобидаги изоҳ Пайғамбар алайҳиссаломни «мажнун шоир», Қуръони Каримни эса «шеър» деган осийларнинг гапига ўхшаб қолмаслиги керак.

Илм масканларида

20

АЛЛОҲНИ ТАНИМОҚ ОЛИЙ САОДАТДИР

Хадичаи Кубро
номидаги
аёл-қизлар
Ислому ўрта-
махсуе билим
юрти мудираси
Малика
НУРМУҲАММАД
қизи билан
суҳбат




Зиёрат

Довуд ХУНЗИКЕР

24

ТУРКИСТОН САРИ ОДИМЛАР

Ниҳоят, Қозоғистонга бир йиллик виза олдим. Бу менга анча қимматга тушди, аммо Хожа Аҳмад Яссавийнинг меҳмони бўлиш ундан кўра қимматлироқ эди.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулмажид МУСАБЕК
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти – 8. 3732. 24-25-28

Директори Салоҳиддин Нуриддин

Андижон вилояти – 8. 3742. 24-41-72

Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй. Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида рўйхатга
олинган. Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й. 26 апрелда рухсат
берилди. Босмаҳонага 2001 йил
5 майда топширилди. Қоғоз бичими
84x108 1/16. Адади 6500 нусха. 70-сон
буюртма билан «КОНИ NUR» МЧЖ да
босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,
Муқимий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз
қилинмайди. Мақолалар хат орқали юбо-
рилганда исми шарифлар тўлиқ ёзили-
ши, адрес тўғри кўрсатилиши шарт.

Мубашшир АХМАД

УМРГА ТАТИГУЛИК ИБОДАТ

Ҳаж ҳақида ёзаман деб кўлимга қалам олганимда ёзишга арзирли гаплар жуда ҳам кўплигини ҳис этдим. Ҳар бир қарич тупроғи ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларнинг (розий-

96-оят маъноси), дея муаззам байтига мавзу қилгани учун ҳам, табиий ноқулайликларга қарамай, катта шаҳарга айланган. Ҳозирга келиб у «Муқаддас пойтахт» номини олган.

Биз бу муборак шаҳарда, Минода туришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, жами йигирма икки кун бўлдик. Куръони Карим оятлари илк марта нозил бўлган Нур тоғидаги Ҳироғи ва Савр тоғидаги Расу-



ллоҳу анҳум) ибратга тўла ҳаётларига шоҳид бу муқаддас маскан ҳақида ёзиш осон эмаслигини билдим. Бир яхшилик юз минг яхшилик ўрнига ўтадиган, бир намоз юз минг намоз савобини берадиган бу мукаррам шаҳар, тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам Сарвари коинотга (с.а.в.) бағрини кенг очган у мунаввар шаҳар ҳақида олдингилар нега бунчалик завқ шавқ билан ёзганини ҳам энди англагандай бўлдим. Расулulloх (с.а.в.) киндик қонлари томган тупроқлар, Каъбатуллох жойлашган ўлка, Ислом бешиги, ваҳий диёри... кўнгиллар завққа тўлмайди, ахир!

Аллох мукаррам қилган Макка шаҳри ҳақиқатда ҳам, Иброҳим алайҳиссалом таъбир қилганларидек, «экин ўсмайдиган бир водий...» экан. Ҳамма жой тоғу тош. Одатда шаҳарлар текислик ва оби ҳаёт мавжуд ерларда барпо бўлади. Лекин Макка Аллох таоло: «Албатта, одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун одамлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадир» (Оли Имрон,

лulloх (с.а.в.) содиқ биродарлари Абу Бакр (р.а.) билан мушриклардан яширинган ғорга ҳам зиёратлар уоштирилди.


Минода ўтган беш кунимиз ҳаж сафарининг унутилмас онлари бўлди. Арафотдаги дуо ва зикрларимиз Аллоҳнинг раҳмати тимсоли бўлмиш ёмғирлар ва салқин ҳаво остида кечди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганлар: «Арафотда туриб, Аллох таоло гуноҳимни кечирмаган, дея ўйлаган киши энг катта гуноҳқордир». Шу маънони ўйлаб, ҳаммамиз гуноҳларимиз мағфур ҳолда қайтдик, деб умид қиламиз. Муздалифадаги вуқуфимизда, тавофи ифозада, уч кун шайтонга тош отишда ҳам шундай ҳаво кўнглимизни шод этди.

Мадинаи мунаввара эса анча баҳаво, кўкаламзор шаҳар экан. Атрофида катта-катта хурмозорлар. Расулulloхни (с.а.в.) бағрикенглик билан кутиб олган ма-

диналиклар ҳали ҳам ўшандай олижаноб... Ажнабий ҳайдовчи шаҳарни унча билмас эканми, автобусимиз биз кўнадиган меҳмонхонани қилириб, икки соатдан ортиқ шаҳарни беҳуда айланиб қолди. Ҳожилар етти-саккиз соат йў юриб хориган эдилар. Шундай ҳолатда ҳам мадиналик миршаб ва ҳаж масъулларининг хушмуомаларию малолсиз хизматлари-дан лол қолдим.

Бу мунаввар шаҳарда икки кун туриб, Пайғамбар алайҳиссалом масжидларида намозлар ўқидик ва бу зоти бобаракотнинг ва икки дўстлари Ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умарнинг (р.а.) қабрларини зиёрат қилиб, саломларимизни йўлладик. Бақриъ қабристонини, Ухуд шаҳидларини зиёрат қилдик. Исломда илк қурилган Қубо масжиди ва икки қиблалик масжидда намозлар ўқидик. Хуллас, сафаримиз жуда яхши ўтди, алҳамдулиллох.

Сўзим охирида айрим мулоҳазаларимни изҳор қилсам. Ибо-



датларимиз янада гўзал ва мукаммал бўлиши учун келгуси мавсум олдидан ҳожиларга ўқишлар ташкил қилинса. Китоблардан фойдаланиб, ҳажнинг аркон ва ҳукмларини ўринлатиш, ибодатларни адо этиш тартиблари ўргатилса, ҳаж амалларини янада тўқис бажаришда қулайликлар тугдирар эди.

ИККИ ҚАНОТ СОҒЛОМ БЎЛСА



Илм, олим, ўрганиш ва ўргатиш ҳақида Куръони Каримда кўп-лаб оятлар бор. Муфассир Тантовий Жавҳарий Куръонда илм тарғиб этилган оятлар сони 760 та эканини айтади.

Ҳадисларда илм фазилати таъкидланади. Расулulloҳ (с.а.в.): «Олимларнинг қаламларидан оққан сиёҳ шаҳидларнинг тўкилган қонлари билан тенг», дея марҳамат қиладилар.

Ислом дунёвий илмларни ҳам мукамал ўрганишга буюрган. Баъзи олимлар мусулмонларнинг қолоқлигига сабаб фақат диний илм билан чегараланиб қолишда деб изоҳлайдилар. Аслида мусулмон киши диний ва дунёвий илмларни баравар ўрганиши керак. Куръонда бунга ишоралар бор. Масалан, Рум сураси 22-оятда айтилади (мазмун): «**Унинг оятларидан (яна бири) — У зот осмонлар ва ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйганидир. Албатта, бунда барча олимлар учун оят-ибратлар бордир.**» Фотир сураси, 27–28-оятларида Аллоҳ шундай марҳамат қилади (мазмун): «**Аллоҳ осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдамида ранги рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми? Яна тоғлардан ҳам оқ, қизил — ранго-ранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора тоғлар ҳам бор. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларгина кўрқур. Шаксубҳасиз, Аллоҳ қудратли, мағфиратлидир.**» Бу оятларнинг мавзуи табиий илмлардир.

Олмониялик олим Динард сўнгги тўрт асрда яшаб ўтган, дунё тан олган етук олимлардан 290 нафарининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб чиқиб, қуйидаги натижаларни баён этган: 290 кишидан 20 нафаригина ҳеч бир тайин эътиқодга эга эмас. 250 киши Аллоҳга ишонувчи, қолган 20 киши эса дин билан қизиқмас экан. Шуниси қувончликки, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Форобий каби улўғ боболаримиз диний ва дунёвий илмларда замонасининг пешволари бўлишган.

Бугунги кунда баъзи талабалар турли баҳоналарни пеш қилиб, яхши ўқимайдилар. Ваҳоланки, Аллоҳдан зеҳнини зиёда этишни сўраса, албатта, Аллоҳ унга сўраган нарсасини беради.

Ривоят қилишларича, VII асрда Бағдод мадрасасида бир талаба ўқиган экан. Унинг зеҳни паст, ёдлаш қобилияти суст бўлиб, тенгқурларидан анча орқада қолган эди. Бир куни у ўзи-

нинг ҳолидан эзилиб, «Менинг ўрним бу ерда эмас экан», деб ўқишни ташлаб, уйига қайтади. Узоқ йўл юриб, бир ғор ёнига етганида шу ерда бир оз дам олмоқчи бўлади. У ғорга кириб, ётиш учун жой ҳозирлайди ва ётмоқчи бўлганида кўзи ғор тепасидан тош устига томаётган томчига тушади. Тош томчи зарбидан анча ўйилган эди. Талаба ўзига ўзи: «Наҳотки мен шу томчичалик бўла олмасам? Сув қаттиқ тошни ўйиб юборибди. Мен ҳам сабр ва матонат билан ўқисам, албатта, олим бўламан», деб орқасига қайтади. Сўнгра мадрасага келиб, сабр билан ўқишга киришади. Тез орада тенгқурларига етиб, ҳатто улардан ўзиб кетади.

Тошдан ибратлангани боис тарихда «Тош ўғли» дея ном қолдирган ас-Сақалоний ҳадис илмининг шифокори деб тан олинади.

Шунга ўхшаш етук олим бўлиш учун киши анча қийинчилик ва машаққатларга сабр қилиши керак. Чунки ўтмишдаги барча буюк олимлар жуда кўп ўқиган ва сабр-тоқатли бўлганлар.

Етукликка эришишнинг яна бир шarti ўрганган нарсаси билан ғурурланмаслик ва сўраган кишидан илмини қизганмасликдир.

Ривоят қилишларича, бир куни бир мутавазеъ киши масжидга кетар экан, ёнидан мағрур ҳолда ўтиб бораётган олимни кўрди. Унга ўрناق бўлиш учун ёнига чақириб:

— Аллоҳнинг илми кўпми ё Расулulloҳнинг (с.а.в.) илмими? — деб сўради. Олим:

— Аллоҳнинг илми билан Расулulloҳнинг (с.а.в.) илми қиёсланадими? — деди ва қўлига чўп олиб, ерга доира чизди. — Шу доиранинг ичидаги чегарали илм Расулulloҳники (с.а.в.) десак, доирадан ташқаридаги чексиз илм Аллоҳникидир.

— Расулulloҳнинг (с.а.в.) илми кўпми ёки имоми Аъзамнинг?

— Расулulloҳнинг (с.а.в.) илми доира ичидаги илм бўлса, имоми Аъзамнинг илми унинг ичидаги бир нуқтадир, — деди

— Имоми Аъзам даврининг энг етук олими, мужтаҳиди бўла туриб, илми шунча экан, ҳеч ким танимайдиган бизларнинг илмимиз қанча?

Суҳбатдошлар жимиб қолди.

Илм ўрганган унга амал қилиши лозим. Акс ҳолда, ўша «олим» Аллоҳдан узоқлашади. Илмига амал этмаган олим, донолар айтганидек, бировларни кийдириб, ўзи яланғоч қолган игнага ўхшайди.

Хулоса шуки, фақат диний ва дунёвий илмларни баравар ўрганиш билан инсон камолатга эришади. Зеро, қуш икки қаноти соғлом бўлсагина, баланд уча олади.

Толибжон НИЗОМОВ

ТЕВАРАКДАН ШОМ АЗОНИ ЭШИТИЛАДИР



(Роман ичидаги замон)

Тарихий-сийрат романларда замон ва макон чегаралари қаҳрамон ҳаёти солномасига кўп жиҳатдан мувофиқ келади. Бу ҳол табиий, албатта. Аммо тарихий асарлар турли асосларга қурилади...

Абдулла Қодирий ҳавасланиб роман ёзишга киришар экан, мозийга назар ташлайди. Адиб «мозий»га аниқлик киритароқ, «яқин ўтган кунлар», «хон замонлари» бирикмаларини илова қилади. Зеро, биринчи ўзбек романи «Ўтган кунлар»нинг номланишида замон-вақт ифодаси мавжуд.

Аслида, инсон ақли билан чегараланган замон-вақт даврлар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар... каби бутунликни, астрономик қаторни ташкил этади. Ижод аҳли тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларининг ишончлилик қувватини ошириш учун шу астрономик вақтдан турли йўсинда ўз дунёқараши, маҳорати, фаҳм-фаросатига қараб фойдаланади. Бошқачароқ айтганда, бадиий асарда замон-вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчади.

Абдулла Қодирий вақтдаги «ўтган кунлар» ноаниқлигини романнинг биринчи сатрларидаёқ парчалайди. Воқеалар саҳнага чиқаётган замон аломатини аниқ битиб қўяди: «1264-нчи ҳижрия, дала ойининг 17-нчиси, қишки кунларнинг бири, кўёш ботқан, тева-ракдан шом азони эшитиладир...» (Абдулла Қодирий, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлар, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1994 йил, 3-бет. Кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинди).

«Ўтган кунлар»даги давр қамровини белгилаш учун роман охирига назар ташлаймиз. Ку-

муш ўлган. Унинг мазорига «тошдан ўйиб ясалган лавҳа» қўйилган. Ўқиймиз: «...Кумушбиби бинти Мирзакарим Марғилоний тарихи таваллуди 1248 вафоти 1269 ҳижрий жумадул-аввал...» (374-бет). Гарчанд Қаноатшо Авлиё отадан Юсуфбек ҳожига мактуб йўллаб, Отабекнинг шаҳидлиги хусусида (роман «Хотима»сида берилишича) ҳижрий 1277 йил кузида хабар берган бўлса-да, «Ўтган кунлар»даги воқеалар ҳижрий 1269 йили яқун топади. Демак, роман ичкарасида тахминан олти йиллик замон бор.

Бу ораликда 1265, 1267 каби ҳижрий йил саналари қайд этилади. Улар асосан романдаги мактублар охирида берилади. Масалан, Юсуфбек ҳожи Отабекни Тошкентдан ҳам уйлантириш ниятини билдириш учун Қутидорга хат йўллайди; ёзувчи унинг охирига «12-нчи савр (22 апрел-21 май) ойида 1265 ҳижрияда ёзилди» саналарини қўяди.

Воқеаларни қизгин нуқта ва ечим томон ҳаракатлантираётган ёзувчи ора-орада «бир ойлаб кечикиш», «бир ярим ойлаб вақтни Марғилонда ўтказиш», «орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди», «ўғлини энди уч ойлаб қўзғалмай қолиши», «беш ойлаб Оқ масжид сафаридан юриб келгач», «ғайри машруъ талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди», «бу воқеъага ўн саккиз, ўн тўққиз ойлар ўтиб кетган эди» тарзидаги жамланган, чамаланган адабий вақт белгиларини қўллаб боради.

Қодирий йил фаслларини замон-вақт ифодаси учун, янада муҳими, қаҳрамон руҳий кечимини теранроқ, ёрқинроқ намоён этиш учун онда-сондагина бериб ўтади.

10 апрел — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун



«Ўтган кунлар»нинг биргина жойида ҳижрий-қамарий йил ҳисобининг бешинчи ойи — «жумадул-аввал» ёзилади. Бошқа саҳифаларда «27-нчи дала», «17-нчи савр», «17-нчи жавзо», «саратоннинг иккинчи кунини...» сингари шамсий ой номларига кўзимиз тушади.

Кунлик воқеа-ҳодисалар тасвири-тавсифида ижод аҳли чексиз замоннинг парчасига жуда кўп мурожаат этадилар. Ва аксар ҳолатларда кўёшнинг чиқиши ва ботишини ёки соат милларининг югуришини вақт белгиси — аниқлиги учун илова қиладилар. Қодирий романларида кунлик вақтнинг «кўёш ботган», «саҳар пайти» ёки «бу кун соат ўн иккида...», «ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...», «кечки соат тўртларда...» тарзидаги ифодалар онда-сондагина кузатилади.

Гоҳо айни тарздаги ифода ёнида кичик бир изоҳ келади: «...кўёш ботқан, тева-ракдан шом азони эшитиладир», «саҳар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди», «Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди...»

Вақт аломатининг ифодаси

учун «шом азони» (шом вақти), «субҳ намози» (бомдод вақти), «асрдан бир оз эртароқ» (аср вақти) шаклидаги кичик бир изоҳ, аниқроқ қилиб айтганда, кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вақтлари Абдулла Қодирий романларида адабий замоннинг поэтик тизими даражасига кўтариллади.

Айрим мисолларга қарайлик. Марғилонга йўлда тўрт марта тўхтаб етадиган Отабек «бу гал олтинчи кўнишида етди. Теваракдан аср азони эшитилган вақтда отдан қўнди...» (140-бет).

Отабекнинг дили қоронғу. Ўз дарди ўзига юк, ўз ёнига ўзи жизганак. «Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчороғ ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди...» (150-бет).

«Қувланиш» бобига назар соламиз. Бу ҳодиса қай маҳал содир бўлган экан-а? «Маълум отлик (Отабек — Б. К.) қутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангудан узди. Шу вақтда шом намозидан қолмас учун шошилишиб қутидор ҳам йўлакдан чиқиб келди...» (183-бет). Сўнгра қувланиш баёни: «Отабек эсини бошига йиғиб михланган еридан қўзғалганда, шом намози ўқулиб биткан, кишилар уйларига қайта бошлаганлар эди...» (184-бет). Унинг шу фурсатда қанча вақт ўзига келолмай туриб қолганини англаш қийин эмас. Қувланган Отабек Марғилонга неча бор баъзан «шом билан аср оралиғида» жимгина келади; бесамар кетади...

Умуман, романда биз иддосида бўлган фикр ифодаси учун мисоллар етарли. Бир ўринда Ҳасанали «...шошиб-пишиб қазо бўлаёзган аср намозини ўқуш учун жойнамоз» ёзади. Вақтни кўра-миз. Романнинг ўнлаб ўринларида «шом билан хуфтон ўртасида...», «Шомдан сўнг...», «Кун асрдан оғиб шомга яқин...», «...ҳаммалари масжидга чиқиб пешин ўқиб кириш учун қўзғалдилар», «Субҳ азони айтилиб...» сингари кунлик вақт аломатининг ифодасига оид таъбирлар учрайди.

Дарвоқе, энг муҳими, Отабек билан Кумушнинг дастлабки учрашув саҳнасини эслайлик. Бу учрашув қачон, қандай сабаб асосида юз берди? Адиб бу ажиб ва беғубор фурсат учун қандай воситани қўллади? Ўқиймиз: «Отабек Марғилон келганининг иккинчи куни пойафзал бозорида бўлган эди. Аср намозининг вақти ўтиб борганликдан ул шундаги дўконларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради... Дўкондор унга сувнинг қулай ўрнини кўрсатди: «Мана бу бурчакдаги дарвозадан ичкарига кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз», деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича, қутидорнинг ташқарисида кирди. Шу вақт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келувчи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган чингилан йиғитка беихтиёр қараб қолди...» (61-бет).

Бундай «учрашув» ва «тасодиф»лар ҳам ишқий-саргузашт романларида жуда муҳим нуқта саналади. Зотан, «Ўтган кунлар»дек дилбар бир роман ҳам «тақдир шамоли» измидаги «тасодифий» учрашув турткисининг маҳсулидир. Қодирий бу тасодифий учрашувни маҳорат билан уюштирди. Отабек сеҳрланади, гўё «чин бир ишқ»нинг лаззатли тўрига илинади. Турган жойи-да узоқ қотиб қолади. Ёзувчи бу ҳолатга «қўб кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан қутидор уйдан чиқди», дея изоҳ беради.

Яна бир мисол. Роман «Хотима»сидан олдинги «Ой куни яқин эди» боби... Кечга томон Кумушнинг дарди кучаяди, доя хотин чақирилган «ўқтин-ўқтин дам-бадамга» айланади. Ҳожи хурсанд ё хафалиги номаълум қиёфада «Далойил ул-хойрот» номли китобни ўқиб ўтиради, ичкарига гоҳ-гоҳида қулоқ тутади. Ҳожи билан Ҳасанали масжиддан шомни ўқиб уйига қайтгач, Ойбодоқ уларга кечки овқатни беради. Ичкаридан хабар йўқ, овқат ҳам томоқдан ўтмайди. Отабекнинг дастурхон устида йўқлиги сезилмайди ҳам...



«— Хуфтанга айтилдими? — сўради Ҳожи.

— Эшитмадим... Чиқа берсак ҳам бўлар, — деди Ҳасанали...» (366-бет).

Шу маҳал ичкаридан хотинларнинг қий-чуви эшитилади. Ойбодоқ «суюнчи» олади. Ҳожи билан Ҳасанали «шундан кейин хотиржам бўлган ҳолда хуфтан» намози ибодати учун масжидга чиқадилар.

Қодирий чақалоқнинг туғилиш пайти шом билан хуфтон оралиғидаги вақтни, айни чоқда шу вақт ичидаги босимни, мужмал кайфиятни, руҳиятдаги оғирлик ва енгилликни гоётада маҳорат-усталик билан тасвирлайди.

Хуллас, Қодирий романларида кунлик замон бўлинувларининг намоз вақтлари негизда белгиланишига адиб шууридаги табиий сезим ва туйғуларнинг ифода тарзи, имон-эътиқодли бир қалам соҳибининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Қолаверса, муҳит вақтномасини, замон ўлчамларини қаҳрамонлар тасаввурича ифодалаш романнинг таъсир қувватини, даражасини оширади ҳам.

Баҳодир КАРИМ,

Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Иккинчи сабоқ

Олдинги сабоқда хало одоби ва истинжо ҳақида тўхталган эдик. Энди таҳорат олиш тартиби ва одоблари ҳақида сўз юритамиз.

Сувлар шариат нуқтаи назаридан уч турлидир:

Биринчиси, тоҳир ва таҳур, яъни, тоза ва тоза этувчи;

Иккинчиси, тоҳир, лекин таҳур эмас;

Учинчиси, ҳаром.

Биринчи тур сувларга табиий ҳолидан ўзгармаган ва бирор нарса қўшилмаган дарё, денгиз, қўл, ариқ ва осмон ва қудуқ сувлари киради. Бу сувларга улар миқдоридан кўп бўлган тоза нарса аралашса ёки оз бўлса-да қўшилиши билан номи ўзгарса (масалан, чой, қахва, шўрва), таҳурлик сифати йўқолади.

Иккинчи тур сувга оби мустаъмал, яъни, ишлатилган сув киради. Таҳоратга ишлатилган сув оби мустаъмал бўлиб, қайта ишлатишга яроқсиздир. 10 x 10 зироб* ҳажмдан кам миқдордаги идиш ё ҳавзалардаги сувга озгина нажас тушиши билан ҳаром бўлиб қолади. Мазкур миқдордан катта ҳажмдаги идиш ё ҳавзалардаги сувларга, оқар сувларга ҳам нажас тушиб, уч сифати — таъми, ҳиди, рангидан бирини ўзгартирса, бу сувлар ҳаром, ишлатишга яроқсиз бўлади. Таҳорат ва ғул учун фақат тоҳир ва таҳур бўлган сувгина яроқлидир.

Таҳорат олиш учун шундай жой танлаш лозимки, қуйилган сув ердан кийим-бошга сачрама-син. Зеро, покланиш учун таҳорат қилатуриб, кийим-бошни булғаб олиш мантиққа зид. Хало ва истинжо қилган жойда таҳорат қилиш ярамайди. Юзни қиблага қилиб таҳорат олиш одобландир. Таҳорат олишни бошлашдан аввал икки қўл энгларини тирсақлардан ўтказиб шимариб олиш лозим. Ният қилмоқ ва тасмия

*Бир зироб 28 бармоқ энга тенг.

Таҳорат одоби

(бисмиллоҳ) айтмоқ таҳоратнинг суннатларидандир. Обдастан таҳорат қилинса, обдаста чап қўл билан ушланади. Биринчи сабоқда айтилган тартибда қўллар ошиғи билан ювилиб, хилол (бармоқларни орт томонларидан бир-бирига киргизиш) қилинган, мазмаза қилинади — ўнг қўл ҳовучи билан оғизга сув олинади ва ғарғара

Мазмазадан кейин истиншоқ — бурун чайилади. Истиншоқда ҳам ўнг қўл ҳовучига сув олиниб бурунга, димоққа еткунча тортилади ва чап қўл билан қоқилади.

Шу тартибда бурун уч бор чайилгач, юз ювилади. Ўнг қўл ҳовучи билан пешонанинг ўнг тарафига оҳиста сув қуйилиб (бунда кўзларни юммаслик керак) пешонанинг соч унган жойи, ияк ости ва икки қулоқ

Ҳимрон Мавло ривоят қиладилар: «Усмон (р.а.) таҳорат учун сув келтиришни буюрдилар. Кейин идишни энгаштириб қўлларига сув қуйиб, уч марта ювдилар, ўнг қўлга сув олиб уч марта оғиз чайқадилар ва (уч марта) бурун чайқадилар, юзларини уч марта ювдилар, икки қўлни тирсақкача қўшиб уч марта ювдилар, бошга масҳ тортдилар, ҳар бир оёқни уч мартадан ювдилар. Сўнг: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг шу янглиғ таҳорат олганларини кўрдим. Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки, шундай таҳорат олиб ва кўнглига дунёвий ишларни келтирмай намоз ўқиса, Аллоҳ таоло ўтган гуноҳларини кечириб юборади», деб айтганлар», дедилар.

Бухорий ривояти

қилиб, томоққа етказилиб оғиз чайилади. Сув ташлангач, тишлар мисвок қилинади. Мисвок ўнг қўл билан ушланади. Уни бош бармоқ ва жимжилоқ остидан, қолган уч бармоқ юқорисидан тутати. Аввало, ўнг юқори тишларига уч бор, сўнг пастки тишларига уч бор мисвок урилади. Чап томон тишларига ҳам шу тартибда мисвок урилгач, тил устига бир мисвок урилади. Мисвок бўлмаса, ўнг қўл бош ва кўрсаткич бармоқлари билан айтилган амал бажарилади. Мисвокдан сўнг оғиз яна ғарғара қилиб, томоққа етказилиб, икки бор чайилади.

юмшоқлари оралиғида бирор жой қолдирмай юз уч бор ювилади. Юз ювишда сийрак соқолли кишилар соқолларининг остиларига сув етказишлари лозим.

Юз уч бор ювилгач, қўллар янгидан намланиб, соқол икки қўл билан сийпаланиб масҳ тортилади. Ўнг қўл орқасини томоққа қилиб, тўрт бармоқ билан хилол қилинади. Сўнг ўнг қўл тирсағигача яхшилаб ишқалангач, кафтни сувга тўлдириб тирсақ томон оқизилади ва яна ишқаланади. Ўнг ва чап қўллар тирсақлари билан шу равишда уч бора ювилганидан кейин бошга

уч бора ювилганидан кейин бошга бир бор масх тортилади.

Бошга масх тортиш учун икки қўл кафт ва бармоқлари янги-дан намланади, бош ҳамда кўрсаткич бармоқларидан ўзга бармоқлар бирлаштирилиб бошнинг олд томонидан орқасига қараб (кафтларнинг жимжилоқ томонидан ярми бошга тегиб) сийпаланади. Сўнг кафтнинг бошга тегмаган қисми билан бошнинг икки ёни то пешонагача сийпаланади. Бошга масх тортишда ҳеч жойга тегмаган бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоқлар билан қулоқлар масх қилинади. Бунда кўрсаткич бармоқлар билан қулоқнинг ҳамма ички томони, бош бармоқлар билан орқаси тўла сийпаланади.

Кейинги амал бўйинга масх тортишдир. Бўйинга масх тортиш жойи вадажон — икки жон томиридир. Бўйинга масх тортиш учун қўлларни янги-дан намлаш мустаҳабдир. Бўйинга масх тортиш кўзга сурма қўйиш тартибида бажарилади, яъни, қўл бармоқларининг орқа томони бўйин жон томирларига теккизилади, холос. Олд ё орт томон тортилмайди.

Таҳорат оёқни ювиш билан мукамал бўлади. Оёқни ювиш, қўлни ювишдек, бармоқлардан бошланади. Аввал ўнг оёқ бармоқларидан сув қўйиб, тўпиғи билан бир бор ювилгач, чап қўл жимжилоғи билан ўнг оёқ жимжилоғининг ост томонидан бошлаб бир марта хилол қилинади. Сўнг яна икки бор мазкур тартибда ювилади. Чап оёқ ҳам, ўнг оёқни ювиш тартибида ювилади, лекин чап оёқни хилол қилиш (чап қўл жимжилоғи билан) бош бармоқдан бошланиб жимжилоқда тугатилади.

Таҳорат қилишда бажарилиши лозим бўлган бу амаллар узлуксиз, яъни, бир жойда, ўртага бошқа ишлар қўшилмай бажарилиши керак.

Қуёшда исиган сув билан таҳорат қилиш макруҳдир. Оқар сувлардан таҳорат қилинганда оғиз ва бурун сувларини ариққа ташланмайди. Таҳорат қилишда беҳуда сўзларни сўзламаслик лозим.

Муҳаммад СИДДИК

Зайд ибн Аслам ҳикоя қилади:

«Асҳобнинг фақирлари ораларидан бир кишини вакил қилиб Расули Акрамнинг (с.а.в.) ҳузурларига юборишди. У киши Пайғамбаримизга (с.а.в.) шундай деди:

— Ё Расулulloҳ! Мени сизга асҳобингизнинг фақирлари юборди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Сенга ва сени юборганларга марҳабо. Улар мен севган кишилардир, — дедилар.

неъматларидан бебаҳраликлари эвазига жаннатда шундай кўшклар берилдики, бошқалар у кўшкларга дунёда энг порлоқ юлдузларга қарагандек маҳлиё бўлиб қарайдилар. Бу кўшклар пайғамбарлар, шахидлар ва фақир мусулмонлар учундир.

2. Фақирларнинг ҳисоблари осон бўлади ва бойлардан олдинроқ жаннатга кирадилар.

3. Бой киши садақа бериб эришадиган савобга фақирлар: «Субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи ва ла

«УЛАР МЕН СЕВГАН КИШИЛАРДИР...»

Келган вакил истакларини шундай баён қилди:

— Ё Расулulloҳ! Бойлар моллари бўлгани учун ҳаж қиляптилар. Жуда кўп хайрли ишлар қилишяпти. Биз эса буларни қила олмаямиз. Шунинг учун охиратда мукофотимиз, хайрларимиз оз бўлиб қоладими деб ўйляямиз. Мени сизга юборган фақирлар, бизнинг, ҳолимиз нима бўлади, деб сўрашди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар:

— Фақирларга мендан шуларни етказгин: охиратда эришадиган мукофотларини ўйлаб, бу дунёдаги маҳрумият ҳолларига сабр қилсинлар. Чунки фақирларнинг бойлардан афзал учта жиҳатлари бор:

1. Уларга бу дунёда чекан қийинчиликлари, дунё

илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар», деб эриша оладилар. Фақирлар бу каби зикр ва тасбеҳларни бойлардан кўпроқ айтсалар, бойларнинг пул ва моллари билан қозонган савобларига шу айтган зикрлари билан эриша оладилар».

Расулulloҳ (с.а.в.) яна бир ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилдилар:

«Намозни гўзал адо эшадиган, моли оз, бола-чақаси кўп ва мусулмонларни жанжаллаштириб қўймайдиган киши жаннатда мен билан мана шундай биргадир», (дея икки бармоқларини жуфт қилиб кўрсатдилар).

Отабек ФАЙБУЛЛОҲ ўғли
тайёрлади

ФОТИМАИ ЗАҲРО

(розийаллоху анҳо)



I

Ҳазрати Фотиманинг (р.а.) таваллуди бутун Маккада катта шов-шув бўлган бир воқеа – Каъбанинг қайта таъмирланиш вақтига тўғри келган эди. Ҳажарул асвадни ўз ўрнига қўйиш пайти орада қутилмаган ихтилоф чиқади. Масала шу даражада жиддийлашадикки, ҳатто қабилалар тўрт кун мобайнида ўзаро урушга тайёргарлик ҳам кўрадилар.

Бу вазият Макка пешволарини қайғуга солади. Нима бўлса ҳам можарони тинч йўл билан ҳал қилиш лозим эди. Ниҳоят, Умаййя ибн Мувира ал-Маҳзумий шундай таклиф билан чиқди: «Эй Қурайш аҳли! Бу масалада ораларингиздан бир кишини ҳакам қилинлар. У эса бугун Масжидул Ҳаромнинг дарвозасидан кириб келадиган биринчи киши бўлсин». Бу таклиф барчага маъқул тушади ва ҳаяжон билан қутиш онлари бошланади. Бир оздан кейин ўттиз беш ёшлардаги чехраси нузли Муҳаммад Амин кириб келадилар. У зотни кўрган Қурайш аҳли беҳад севинадилар: «Мана, Абдулмутталиб ўғли Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад Амин. Биз у берадиган ҳар қандай қарорга розимиз».

Ҳазрати Муҳаммад мавзуни яхшилаб тингладилар, сўнгра ридоларини ерга солдилар. Ҳажарул асвадни унинг устига қўйиб: «Ҳар қабиланинг раиси ушбу либоснинг бир учидан ушлаб кўтарсинлар», дедилар. Ўзлари ҳам бирга кўтариб бориб муборак қўллари билан тошни Каъба бурчагига жойлаштирдилар. Бу хабар тез орада Маккага ёйилди. Муаммо ҳамирдан қил суғургандек осон ҳал қилиниб, Қурайш аҳли Ҳазрати Муҳаммаддан бениҳоя мамнун бўлади. Ҳаттоки баъзи араб шоирлари бундай одилона ҳакамликни мадҳ этувчи шеърлар ҳам ёзишади. Ҳазрати Муҳаммад

кўтаринки кайфиятда уйларига қайтадилар ва тўртинчи кизларининг таваллуди хушхабарини эшитадилар. Севинчларига севинч қўшилади. Қизларига Фотимаи Захро деб исм қўядилар. Фотима оталарига жуда ҳам ўхшарди. Опаси Зайнабнинг беғубор севгиси, меҳр-муҳаббати билан вояга етди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) кизларининг тарбияси, камоли ва фароғати учун кўпинча роҳатларини тарк этар эдилар.

Ёши кичик бўлгани учун Фотима кўчага фақатгина оталари билан чиқарди. Доимо Пайғамбар (а.с.) ёнларида юриши унинг илоҳий ахлоқ билан хулқланишига сабаб бўлди. Худди шунингдек, у мухтарама зот, оналари ҳазрати Ҳадича (р.а.) онамиздан ҳам жуда кўп яхши хислат ва фазилатларни олди. Ҳазрати Пайғамбаримизга (с.а.в.) Хиро ғорида ваҳий нозил бўла бошлаган пайтларида Фотима эндиgina беш ёшга қадам қўйган эди.

Набийнинг (с.а.в.) суюкли қизлари оталарининг ҳаётларидаги тарихий ходисага шундай кичик ёшида шохид бўлди. Табиийки, бу ажиб саодатли воқеалар у мухтарама зотга ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Макка мушрикларининг мусулмонларга қилган зулмига қарши бўлган Фотима (р.а.) азиятларни енгиш учун жон фидо қилишга ҳам тайёр эди. Ҳолбуки, у ҳали ожиза, кичкинагина қизча эди.

Исломга даъватнинг дастлабки йилларида мўминларга қилинган шафқатсизликлар, жумладан, Абу Толиб маҳалласида Хошим ўғиллари билан биргаликда ўраб олиниб, уларга кўрсатилган турли азобу уқубатлар, очликлар Фотиманинг (р.а.) соғлиғига каттиқ таъсир ўтказди. Ҳаётининг бахоридаёқ шунча ташвиш, дард-алам ичида яна бир буюк имтиҳонга рўбарў келди. Муштипар онаси фоний дунёни тарк этдилар.

Ҳижратдан аввалги ўн уч йиллик Макка даври ҳақиқатдан ҳам мўминларга, хусусан, Набийга (а.с.) жуда оғир кечди. Бу вақт мобайнида Фотима (р.а.) турли воқеа-ходисаларга гувоҳ бўлди. Кўпчилик мўминлар қатори Ҳабашистонга ҳижрат этди. Оталарига қилинган ҳақсизликларни кўриб кўп йиғлади. Ҳатто бир куни Аллоҳ Расули (с.а.в.): «Эй қизгинам! Йиғлама, албатта Аллоҳ отангни уларнинг зарарларидан химоя қилади», дедилар.

Ҳазрати Фотима (р.а.) оналарининг йўқликларини билантирмаслик учун доимо Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ёнларида бўлди. Сарвари Олам (с.а.в.) ҳам ҳар он қизларига меҳр-шафқат кўрсатдилар. Шубҳасиз, ёш Фотима (р.а.) бундай меҳр-муҳаббатга мухтож эди.

Мушрикларнинг жабр-зулми кучайгач, му- сулмонлар Мадинага хижрат қилдилар. Расу- луллоҳ (с.а.в.) кизлари Фотима билан Умму Кулсумни (р.а.) ҳам олиб келиш учун ишончли саҳобаларни юбордилар. Шундай қилиб, Фоти- ма ўн саккиз ёшида Макка билан видолашди.

II

Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрати Оишага (р.а.) уйланганларидан кейин, машҳур саҳобалар- дан Фотима (р.а.) совчилар кела бошлади. Шунгача ҳазрати Фотима (р.а.) оталарининг хизматларида турганлари боис саҳобалар бунга журъат қила олишмаган эди.

Авалло, Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) ва Ҳаз- рати Умар (р.а.) оғиз солдилар. Лекин Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюк бир назокат ила узр баён қилдилар. Ҳазрати Умар (р.а.) бу шарафни Ҳазрати Алига (р.а.) лойиқ кўриб, тақлифи- ни айтдилар. Аммо у зотни: «Ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умардек зотларга рад жавобини бер- ган Расулulloҳ менинг тақлифимни қабул қилишлари мумкинми?» деган андиша ўйлан- тирар эди. Ҳазрати Умар (р.а.) Ҳазрати Алини (р.а.) Набий (а.с.) учун куёвликка энг муно- сиб зот эканликларига ишонтирдилар.

Ҳазрати Али (р.а.) Пайғамбар (а.с.) ҳузур- ларига бордилар. Аммо уялганларидан зиёрат сабабини айта олмадилар. Шунда Аллоҳ Ра- сули (с.а.в.): «Абу Толиб ўғлининг қандай эҳтиёжи бор экан?» дедилар. Бўлажак куёв тортина-тортина гап бошладилар: «Расулulloҳ- нинг кизлари Фотиманинг қўлини сўраб кел- дим». Расулulloҳнинг (с.а.в.) муборак чех- раларида мамнуният ҳислари намоён бўлди.

Эртасига Ҳазрати Али (р.а.) такрор Пай- ғамбар (с.а.в.) ҳузурларига бордилар. На- бий (а.с.): «Маҳр учун ёнингизда бирор нар- са борми?» дея сўрадилар. Али (р.а.): «Йўқ, эй Расулulloҳ», деди.

«Фалон кунни сизга зирх берган эдим, ўша қани?»

Ҳазрати Али (р.а.) буни эшитгач, хурсанд бўлдилар: «Ўзимда турибди, эй Набийulloҳ». Пайғамбаримиз (с.а.в.) сарпо, совға-салом олиш- лари учун уни сотишга буюрдилар. Ҳазрати Ус- мон (р.а.) уни 470 дирхамга харид қилдилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) пулнинг бир қисмини хушбўйликлар олиш учун Билолга (р.а.) қол- ган қисмини Умми Саламага бериб, келинга ки- йим-кечак харид қилишни буюрдилар.

Сўнгра Сарвари Олам (а.с.) Анас (р.а.) ор- қали Ҳазрати Абу Бакр, Умар, Усмон, Талҳа, Зубайр (р. анҳум) ва яна шунча ансорни ҳузур- ларига чорладилар. Фотиманинг қошига бориб:

«Эй Фотима! Али сенга уйланмоқчи, бунга нима дейсан?» дедилар. Мухтарама кизлари қат- тик ҳаё ва иболари боис сукут сақлаб, ҳеч қан- дай жавоб бермадилар. Бу эса розилик аломати эди. Бу аснода чақирилган саҳобалар ҳам етиб келишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларга шун- дай дедилар: «Танҳо ҳамду санаго лойиқ, қудра- ти ила бутун мавжудотни яратган Аллоҳга беҳад шукрлар бўлсин. Шубҳасизки, Аллоҳ таоло оила куришни ва қариндош-уруғларни хурматлашни амр этди. **«У сувдан-нутфадан инсонни яратиб, сўнг уни насл-насаб эгаси ва қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз (хар ишга) кодирдир»** (Фурқон, 54). Энди мақ- садга келсак, Ҳақ таоло амрига қўра, Фотимани Алига никоҳлаб бераман. Агар рози бўлса, тўрт юз мисқол кумуш эвазига вожиб бир амал ва қоим бир суннат ила Фотимани Алига узатаётган- нимга сизларни шохид қиляпман. Аллоҳ улар- нинг мол-дунёларига барака бериб, наслларини азиз этсин. Мана шунини сизларга маълум қилиб, ўзимга ва барчангизга мағфират тилайман».

Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир товоқ хурмо келтириб, мўътабар меҳмонларга тортиқ қилдилар. Бу орада Ҳазрати Али (р.а.) ҳам кел- дилар. Расулulloҳ (с.а.в.) табассум ила: «Эй Али! Мен тўрт юз мисқол кумуш эвазига Фоти- мани сенга никоҳладим», дедилар. Ҳазрати Али (р.а.) шукр саждасини қилдилар. Сарвари Ко- инот (с.а.в.): «Аллоҳ оилангизга барака ва хур- сандлик берсин. Сизларга солих фарзандлар ато этсин», деб дуо қилдилар.

Ҳазрати Али (р.а.) бенихоя хурсанд бўлди- лар. Зеро, ҳаётларида энг буюк ходиса юз берган эди – пайғамбарлар хотамининг (с.а.в.) кизла- рига уйланиш шарафига муяссар бўлган эдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) хуфтон намозидан ке- йин Ҳазрати Алининг (р.а.) уйларига бориб та- хорат қилдилар ва икки ёшга бахт тиладилар. Қизларини эрнинг хизматини мукамал бажариш- га ва ҳеч қачон хафа этмасликка буюрдилар. Куёвларига эса шундай насихат қилдилар: «Эй Али, зинҳор қизишма. Ҳазабланган пайтингда ўтир. Парвардигорнинг бандаларига ниҳоятда сабр ва таҳаммул ила муомала этишини унутма. Сенга: «Аллоҳдан қўрқ», дейилган пайтда жаҳл- ни тарк этиб, сабрли бўлишга ҳаракат қил».

Барча мўминлар ушбу никоҳдан ниҳоятда хурсанд бўлишди. Хусусан, Расулulloҳнинг (с.а.в.) суюкли амакилари Ҳазрати Ҳамза (р.а.) жуда севиниб, иккита қўчқор сўйиб, Мадина халқига таркатдилар.

(Давоми келгуси сонда)

Фатҳиддин МАНСУР

тайёрлади

ҲАДИС ИЛМИ ТАБИБИ

«Мен бутун ҳаётим Ибн Муборак ҳаётининг бир йилга ўхшашини хоҳлардим. Лекин умрим у киши ҳаётининг уч кунига ҳам тенг эмас».

Суфён ас-САВРИЙ



Имом Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий табаъа тобеъинлардан бўлиб, ҳижрий 117 йилда Марв шаҳрида таваллуд топган. У кишининг ота-оналари асли хоразмлик бўлганлар. Оталари Муборак бир бойнинг боғида ишлаб кун ўтказар эдилар.

Бир куни бой ул зотга:

— Менга ширин анор келтир, — деди. Шунда оталари бир

анор келтирган эди, аччиқ чиқди.

Хўжаси қаттиқ жаҳл қилиб:

— Мен сендан ширин анор сўраган эдим, — деди.

Муборак бошқа анор келтирди, у ҳам аччиқ чиқди.

Бойнинг ғазаби ортиб, учинчи мартаба анор келтиришни буюрди. Бу гал ҳам анор аччиқ чиқди. Шунда хўжаси:

— Сен қайси анорнинг меваси ширинлигини билмайсанми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Боғда сен ишлайсан-ку, ахир?

— Сиз боғдаги меваларни ейишликка изн бермагансиз, — деди Муборак.

Бу сўзлардан хўжаси ғоят таъсирланди. Унинг тақволи, ҳалол инсон эканлигига ишониб, ўз қизини никоҳлаб берди. Абдуллоҳ шундай тақводор, диёнатли, ҳалол ва ростгўй зотнинг фарзанди эди...

Абдуллоҳ ибн Муборак Балх, Ҳирот, Куфа, Рай, Мадоин, Дамашқ, Ҳимс, Макка, Мадина каби шаҳарлар Миср, Ҳижоз, Ироқ, Яман ва Искандария диёрларида бўлиб, муҳаддис, муфассир, фақиҳ олимлардан таълим олди. Устозлари тўрт мингдан ортиқ бўлса ҳам, минг нафаридангина ҳадис ривоят қилган.

Ибн Муборакнинг энг улуғ устозлари Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собитдир. Ибн Муборак Бағдодга сафар қилмасларидан олдин Куфага келиб Имоми Аъзам қўлларида фиқҳ илмидан таълим олганлар. Устозининг илмий салоҳияти ва тақвода тенгсиз эканликларини кўриб, Имоми Аъзам мазҳабида бўлишни ихтиёр этганлар.

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг шогирдлари ундан жуда кўп ҳадислар ривоят қилишган. Имом ал-Бухорийнинг оталари Исмоил ҳам Абдуллоҳ ибн Муборак шогирдларидан бўлиб, ал-Бухорийнинг ҳадисга оид ўқиган биринчи китоблари у киши таълиф этган китоблар эди.

Ҳанбалия мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ханбал: «Ибн Муборак замонида ундан кўра илмга талабчанроқ одам йўқ эди. У олимлардан ҳадис ёзиб, улуғ ишни жамлади. Ибн Муборак соҳиби ҳадис, ҳофизи Куръон эди», деганлар.

Ибн Муборак қирқ йил ҳадисларни ёд олиш билан бир қаторда, уларни китобат қилди. Манбаларда унинг 20 минг ҳадис ёзиб олгани таъкидланади.

Ибн Муборак таълиф этган китоблардан: «Китобу сунан фил фиқҳ», «Китобут тафсир», «Китобут тарих», «Китобул бирри вас-силоти», «Китобуз-зуҳд вар-рақоик», «Китобул истехсон» ва бошқа асарларини санаб ўтиш мумкин.

Куфа олимлари бирор ҳадис ҳақида тортишиб қолсалар: «Ҳадис табибига борамиз», деб Абдуллоҳ ибн Муборакдан маслаҳат сўрашар эди. Чунки Ибн Муборак ҳадисларни ривоят қилувчилардан тўғридан-тўғри қабул қилиб олмас, балки ривоят қилувчининг қандай шахс эканлигига алоҳида аҳамият берар эдилар. Ибн Муборак ҳадис ривоят қилувчилар учун бешта асосий шарт бўлишини айтганлар:

1. Жамоат унинг тўғрилигига гувоҳлик берсин.
2. Тақво ва парҳезда комил бўлиб, шароб (хамр) ичмаган бўлсин.
3. Динида расволик бўлмасин.
4. Ёлғон гапирмасин.
5. Ақлида бирор ноқислик бўлмасин.

Ибн Муборак ҳадислар иснодига ҳам қатъий эътибор берганлар. «Иснод»нинг луғавий маъноси «асос», «таянч» бўлиб, истилоҳда эса, Расулulloҳдан (с.а.в.) ривоят қилинган ҳадислар ровийларининг силсиласи, яъни кетма-кетлигидир. Ибн Муборак дин ишини иснодсиз талаб қилишни нарвонсиз томга кўтарилишга ўхшатадилар.

Ибн Муборак ҳадисларга бегона сўзлар кўшилиб кетмаслигига катта аҳамият берган: шу боис «Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларини ҳурматланг, чунки ҳадисни ҳурмат қилиш Расулulloҳни (с.а.в.) ҳурмат қилишдир. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаводан гапирмайдилар, фақатгина ўзларига Аллоҳдан ваҳий қилинганини гапирадилар», дер эдилар.

Ибн Муборак муҳаддислик билан бир қаторда ипгазлама савдоси билан шуғулланганлар. У киши Хуросондан Макка ва Шом вилоятларига газлама элтиб сотар, лекин тижоратдан мақсадлари мол тўплаш эмас, балки муҳтож бўлган муҳаддис биродарларига ёрдам қилиш эди. Ибн Муборак камтарлик, тавозе ва тақвода замондошларига ўрнак бўлганлар.

Ибн Муборак ҳижрий 181 йил рамазон ойининг 14 куни бу фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилганлар.

Абдуқаюм АЗИМОВ,

Тошкент Ислам Олий маъҳади ректори,
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ,
мударрис



Жума намози ва унинг хутбаси ҳақида маълумот берсангиз.

Шариф МЕХМОН,
Хоразм

Жавоб. Барча ибодатлар каби жума намозининг ҳам ҳикмат ва фазилатлари бор. Улардан бири жума намозини адо этувчи қалбининг очиқ бўлиши ва идрокиннинг кенгайишидир. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Узрсиз уч бор жума намозини тарк қилган кимсанинг қалбини Аллоҳ тало муҳрлаб қўяди», деганлар.

Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган бу ҳадиси шариф бизларни жума намозининг мазкур фазилатларидан бенасиб қолмасликка ундайди.

Маълумки, жума намозидан олдин хутба ўқиш жума намозининг шартидир. Хутба ниятида ҳамд, таҳлил, тасбиҳ айтиш билан хутбанинг фарз миқдори адо бўлади. Хатиб хутбадан олдин:

ичида «аъзу»ни айтса;
хутбани иккита қилса;
иккаласини ҳам Аллоҳга ҳамду сано билан бошласа;
хутбасида шаҳодат калимасини ёдласа;

Пайғамбаримизга, хулафои рошидинларни ва аҳли байтларини қўшиб, саловат айтса;

мўминларга панд-насиҳат этиб, Қуръони Каримдан қироат қилса;

икки хутба орасида уч қисқа оят ўқигунча миқдорда ўтирса,




уни суннатга мувофиқ адо қилган бўлади.

Иккинчи хутбада панд-насиҳат ўрнига мусулмонлар ҳақида дуо қилинади. Тик туриб одамларга юзланиб хутба қилиш ҳам суннатдир.

Уни турлича ўқиш эса, хатибнинг маҳорати ва билим доирасига боғлиқдир.

«Радул Мухтор» ва «Ҳадиётус саъдук»дан



«Равм» ва «Ишмом» ҳақида ва Юсуф сурасидаги لَا تَأْتَمِرْنَ калимасининг қироати борасида маълумот берсангиз.

Олимжон МУСАЕВ,
Тошкент

Жавоб. Қироатда оятни тугатганда охириги ҳарф ҳаракатини яқиндаги одам эшитадиган ҳолда талаффуз қилиш «равм» дейилади. Қироат қилувчи «равм» қилиб тўхтаганида унга яқин одам охириги ҳарф ҳаракати нима эканлигини пайқай олади. Калиманинг охириги ҳарфи ҳаракати «и» ё «ин» ва «у» ё «ун» бўлганида равм қилиш


жоиз, «а» ё «ан» бўлганида барча қорилар, равм қилиш мумкин эмас, дейдилар. Охириги ҳарфи ташдидли бўлиб, «а» билан ҳаракатли бўлган сўзлар бу ҳукмдан истисно қилинган.

Қироатда икки лабни бир-бирига ёпиштириб, чўччайтириб тўхташ «ишмом» дейилади. «Ишмом» калиманинг охириги ҳарфи ҳаракати «у» ё «ун» бўлгандагина мумкин дур.

Юсуф сурасидаги لَا تَأْتَمِرْنَ калимасининг қироати араб тили сарфи қоидаларидан келиб чиқиб белгилангандир. Бу калима келаси замон иккинчи шахс инкор феъли билан биринчи шахс кўплик олмошининг бирикмаси бўлиб «биз-

га ишонмайсан» маъносини билдиради. Бирикмада биринчи нун ҳаракати замма — «у» бўлиши керак. Бироқ қироат соҳасида машҳур етти қоридан ҳеч бирлари биринчи нуннинг ҳаракатини «у» қилиб ўқишмаган. Бунинг боиси бундай қироат Қуръони Карим расми хатига мувофиқ келмаганидир. Бинобарин, баъзи қорилар олдинги «нун»ни равм билан, баъзилар уни ишмом билан ўқишган. Икки нун идғом қилиб ўқилса ҳам хато ҳисобланмайди, дейилган ривоят ҳам бор.

Абдулкабир Абдулазизнинг «Матлубул Қурро» рисолати ва «Мажмуатул фатово» асосида тайёрланди



Сўйилган қўй калласини пиширишга қандай тайёрлаш керак?

Ўткир ҲОТАМОВ,
Денов

Жавоб. «Зоҳидий» ва «Фатовои жунг» китобларида бу ҳақда шундай дейилади: «Қўй калласини пишириб истеъмол қилиш учун унинг жағлари очилади ва тиши оралари тоза қилиб ювилади. Сўнг иссиқ сувга солиб ё олов-

да куйдириб, жунлардан тозаланади, шундан кейингина пиширилади. Калла гўшти фақат шу ҳолдагина ҳалол бўлади.

Агар тишлари ораси тозаланмай иссиқ сувга солиниб ё куйдирилиб жунлари тозаланса, уни ейиш ҳалол бўлмайди. Чунки мол-қўйлар ўт-хашак ё ем еганидан кейин кавш қайтаради, бунда қорнидан оғзига қайтиб чиққан озуқа најосат ҳисобланади ва у тишлари орасида қолиб кетади. Иссиқ таъсирида у најосат асоратлари гўшт ва териларга сўрилиб қолади.

Қорни ёрилиб тозаланмасдан патини юлиш учун устига иссиқ сув қуйилган ўрдак, товуқ каби паррандаларнинг ҳукми ҳам шундайдир.

Тишлар орасини ювиш мушкул бўлганидан, жағлар иккига ажратилганидан сўнг тишларни бутунлай қоқиб олиб ташлаш қулай ва осондир. Пастки олд тишлари милк гўштларидан ажратилганидан кейин осонлик билан олинади. Юқори жағ тишлари эса чопқининг орқаси билан қоқиб ташланади.

Йигитлик чоғларим—бундан қирқ йилларча муқаддам мен Дурбандаги (Жанубий Африқа Республикаси) «Ройал Сизте»да (Қирол театрида) ўтказилган бир йиғинда қатнашганман. Унда Хайтен исми христиан илоҳийчиси диний маъруза қилган эди. Бу руҳоний Инжил башоратларини шарҳлаш билан шуғулланарди. У христианларнинг Инжили Совет Русиясининг юксалишини ҳам, сўнги кунларини ҳам башорат қилган, деб астойдил исботларди. Бир гал у ҳатто: «Муқаддас китоб Рим папасини ҳам назардан четда қолдирмаган», деб даъво қилишгача борди.

Руҳоний Хайтеннинг маърузалари мени ўйлантириб қўйди: агар Инжил Рим папаси, Исроил ва бошқа бир қанча нарса ва ҳодисаларнинг хабарини берган бўлса, унда инсониятнинг буюк етакчиси пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларида ҳам бирор нима демаганмикан? Ўша дамдан бошлаб ушбу саволга жавоб излашга киришдим. Умрим давомида жуда кўп христиан руҳонийлар билан учрашдим. Маърузаларга бордим ва Инжил башоратлари ҳақида нимаики қўлимга тушса, барини ўқиб чиқдим. Қўйида сизлар ўқийдиган асар Жанубий Африқодаги Ҳолланда реформистлар черковининг руҳонийси билан қилган суҳбатларимдан иборатдир.

Аҳмад
ДИЙДОД

ИНЖИЛ БАШОРАТИ

Рус тилидан таржима*

Ниҳоят суҳбатдош топилди

Мен телефон маълумотлар китобини олиб, африқа тилларидан бирида (африкаанс) маъруза қиладиган черковларга сим қоқа бошладим. Руҳонийларга улар билан суҳбатлашиш ниятим борлигини айтганимда, ҳар хил «узр»ли баҳоналар билан илтимосимни рад этишди. Ниҳоят роҳиб Ван Хеерден шанба кунни уйда мени қабул қилишига розилик берди. Суҳбат чоғи етмиш ёшли қайноғасининг ҳам қатнашишига мендан ижозат сўради. Эътироз билдирмадим.

Шанба кунни роҳиб мени равонда хушмуомалалик билан кутиб олди. Биз учаламиз унинг кутубхонасида суҳбатни бошладик.

— Инжил Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида нима дейди? — деб сўрадим ундан.

— Ҳеч нарса, — деб жавоб қилди роҳиб иккилашиб ўтирмай.

— Нега энди ҳеч нарса? Ахир, сизларнинг шарҳларингизга кўра, Инжилда Совет Русиясининг юксалишию инқирози, ҳатто Рим католикларининг папаси ҳақида ҳам сўз юритилган-ку?

— Ҳа, шундай, лекин у ерда Муҳаммад ҳақида ҳеч нарса йўқ.

«Нега энди ҳеч нарса?..»

Мен ажабландим:

Нега энди ҳеч нарса бўлмас экан? Бўлиши керак! Ахир ер юзида милёнлаб имон келтирганлар шу киши туфайли Исо алайҳиссаломнинг мўъжизавий туғилишини у зотнинг «Масих» эканлигини ва Аллоҳнинг амри билан ўликларни тирилтирганларию туғма кўзи ожизларни ва моховларни да-

волаганларини билдилар. Исо ва унинг онаси Марям ҳақида шундай ажойиб сўзлар сўзлаган улуғ инсон ҳақида Инжилда, албатта, бирор нарса бўлиши керак!

Суҳбатга роҳибнинг қайнотаси кўшилди:

— Ўғлим, мен Инжилни сўнги эллик йил давомида ўқиб келяпман, агар у ҳақда бирор маълумот бўлганида мен уни эслаб қолган бўлардим.

Мутлақо исми йўқ

Мен энди саволнинг йўналишини ўзгартирдим:

— Сизнинг тушунтиришингизча, Эски Аҳдда (Тавротда) Исо Масихнинг келишлари ҳақида юзлаб башоратлар бор, шундайми?

— Юзлаб эмас, минглаб.

— Мен Исо Масихнинг келишлари ҳақидаги сиз айтган «минглаб» башоратларни шубҳага остига олиб ўтирмайман, чунки бутун мусулмон олами ҳеч қандай башоратсиз ҳам уни қабул қилган. Биз мусулмонлар, Масихни сўзсиз тан олганмиз ва ҳозирда ер юзида бир миллиарддан зиёд мусулмон ҳеч қандай Инжил далил-исботларисиз Аллоҳнинг буюк пайғамбари Исо алайҳиссаломни севдилар ва ҳурмат қиладилар. Аммо сиз шу «минглаб» башоратлардан Масих ўз исми билан аталган лоақал биттасини келтира оласизми? «Масих» (Христос) бўлиб таржима қилинадиган «Мессия» сўзи исм эмас, балки унвон саналади. Масихнинг исми Исо, онасининг исми Марям бўлади, унинг тахмин қилинаётган отаси дуралгор Иосифдир ва Масих қирол Ирод даврида туғилади, деган каби маълумотлар ҳақида бирор-бир аниқ башорат борми? Йўқ! Бундай билдиришлар йўқ! Унда қандай қилиб сиз шу «минглаб» башоратларни Исога тегишли деб даъво қила оласиз?

Роҳиб жавоб берди:

— Биласизми, башорат келажакда бўладиган

*Аҳмад Дидат, «Что Библия говорит о Мухаммаде», Москва, 1994.

бирор ҳодисанинг сўздаги ифодаси саналади, қачонки ўша ҳодиса содир бўлса, биз ушбу башоратларда олдиндан айтилган сўзларнинг амалга ошганини аниқ кўрамиз.

Янги таклиф

— Мана, ҳозир сиз яхшилаб ўйлаб, сўнг хулоса чиқаряпсиз... — дея қайд этдим. У тасдиқлади. Мен шундай таклиф қилдим: — Агар Мисихнинг ҳақиқийлигини асослаш ва исботлаш учун ўша «минглаб» башоратларга шу йўл билан мурожаат қилиш лозим экан, унда, келинг, худди шу услубни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳам кўллаб кўрамиз.

Роҳиб рози бўлди, таклифнинг адолатлилигини ва масалани ҳал этишнинг оқилона йўли эканини тан олди. Мен ундан Тавротнинг 5-китоби «Қонун Тўплами»нинг 18-боб 18-оятини очишини сўрадим ва Жанубий Африқода ҳукмрон тилда бир оз шуғулланиш мақсадида бу оятни ёддан африкаанс тилида айтиб бердим:

— «Н ПРОФЕЕТ САЛ ЭК ВИР ХУЛЛЕ ВЕРВЕК УИТ ДИЭ МИДДЕ ВАН ХУЛЛЕ БРОЭРС, СООС ЙИ ИС, ЭН ЭК САЛ МИ ВООРДЕ ИН СИ МОНД ЛЕ, ЭН ХИ САЛ ААН ХУЛЛЕ СЕ АЛЛЕС ВАТ ЭК ХОМ БЕВЕЕЛ». Таржимаси бундай бўлади: «**Мен уларга ўз огалари сафидан сенга ўхшаган пайгамбарни чиқарурман ва Менинг сўзларимни унинг оғзига солурман ва у уларга Мен Унга буюрганларимнинг ҳаммасини сўзлайди**» (*Таврот, 5-китоб «Қонун Тўплами»*, 18:18*).

Мусога ўхшаган пайгамбар

Оятни ўқиб бўлиб:

— Бу башорат ким ҳақида? — деб сўрадим.

У ҳеч иккиланмай:

— Исо ҳақида! — деди.

Мен эътироз билдирдим:

— Нега энди Исо ҳақида бўлар экан? Башоратда унинг исми айтилмаган-ку?

Роҳиб жавоб берди:

Башоратлар келажакда бўлиб ўтадиган ҳодисаларнинг сўзлардаги ифодаси эканидан келиб чиқсак, бу оятнинг маъноси Исони аниқ таърифлаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Биласизми, бу башоратнинг муҳим сўзлари СООС ЙИ ИС — **сен каби, сенга ўхшаган**, (яъни, Мусога ўхшаган) деган сўзлардир. Исо эса Мусога ўхшайди.

Савол бердим:

— Исо нимаси билан Мусога ўхшайди?

Жавоб қуйидагича бўлди:

— Биринчидан, Мусо ҳам, Исо ҳам яҳудий

бўлишган; иккинчидан, Мусо пайгамбар эди, Исо ҳам пайгамбар бўлган. Демак, Исо Мусога ўхшайди ва Худо айнан шундан Мусони огоҳ этган: «СООС ЙИ ИС», деган.

— Мусо билан Исо ўрталаридаги яна бошқа бирор ўхшаш хусусиятни келтира оласизми?

Роҳиб булардан бошқа ўхшаш хусусиятни келтира олмаслигини тан олди. Мен дедим:

— Агар фақат шу икки белги билан Тавротнинг бу башорати ҳақ бўлиб чиқадиган бўлса, у ҳолда бу икки мезон Мусодан кейин келган ва Инжилда зикр этилган Сулаймон, Ишай, Иезекиил, Даниил, Иосий, Иоил, Малахий, Иоанн Чўқинтирувчиларнинг ҳар бирига ҳам тўғри келаверади, чунки улар ҳам яҳудий эдилар, ҳам пайгамбар бўлишган. Модомики шундай экан, нега бу башорат мезони билан улар ҳам ўлчаб кўрилмайди-да, фақат Исога (а.с.) татбиқ этилади? Бунақа тарафкашлиқдан мақсад нима?

Роҳиб сукут сақлади. Фикримда давом этдим:

— Кўряпсизми, менимча, Исонинг Мусога ўхшайдиган жиҳатлари жуда кам. Агар гапим но-тўғри бўлса, илтимос, сиз ўнглаб қўйинг.

Фарқли уч жиҳат

Шундан кейин мулоҳазаларимни бошладим:

— Биринчидан, сизларнинг тасаввурларингизга кўра, Исо (а.с.) худо, Мусо (а.с.) эса худо эмас, шундайми?

Роҳиб тасдиқлади.

— Шунинг учун ҳам Исо Мусога ўхшамайди! Иккинчидан, сизнингча, «Исо дунё гуноҳларини ювиш учун ўлган», Мусога эса дунё гуноҳлари учун ўлишнинг ҳожати йўқ эди. Шундайми? У яна розилик билдирди.

— Шунинг учун Исо Мусога ўхшаш эмас. Учинчидан, сизларнинг тасаввурларингизда Исо уч кунга жаҳаннамга тушган, Мусода бунга ҳожат йўқ эди, тўғрими?

Роҳиб тасдиқлади. Мен хулоса чиқардим:

— Шунинг учун Исо Мусога ўхшамаган. Аммо булар рад этиб бўлмас даражада ишонарли, ҳақиқий далиллар эмас, дейлик. Келинлар, ҳаттоки болакайларингизга ҳам тушунарли бўлиши учун жуда ҳам оддий ва жуда ҳам осон бирор нарсани муҳокама қилайлик, майлими?

Роҳиб бу таклифимдан хурсанд бўлиб кетди.

Ота-она

— Мусонинг отаси ҳам, онаси ҳам бўлган. Муҳаммаднинг (с.а.в.) ҳам отаси ва онаси бўлган. Исонинг фақат онаси бўлган, отаси эса, сизларнинг этиқодингизга кўра, одам бўлмаган, шундайми?

— Ҳа, — деди роҳиб.

— Шунинг учун Исо (а.с.) Мусога (а.с.) ўхшамайди, лекин Муҳаммад (с.а.в.) Мусога (а.с.) ўхшайди, — дея мен хулоса қилдим.

(Давоми 31-бетда)

*Инжилнинг ilk беш китоби «Ибтидо», «Чиқиш», «Левит», «Чўлда» ва «Қонун тўплами»дан иборатдир. Бундан сўнгги иқтибослар Инжилнинг 1993 йили Стокгольмда нашрга тайёрланган нусхасидан олинди. «Қонун тўплами» бу нусхага киритилмаган экан, русчасидан ўғирилди. (Тахририят.)



Бухородаги Мир Араб мадрасасида мударрислик қилган Абдулфаттоҳ РАСУЛОВ (ўнгда) ва унинг шогирди тадқиқот билан машғул



Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Сирожиддин (Лазгин домла) Алилов



Масжидда хорижлик меҳмонлар ила

ЛАҲЗАЛАР СИЙМО Х

Ойлар, йиллар изма-из кечаверади. Ҳар бир лаҳза тарих саҳифаларида ўчмас бўлиб муҳрланади. Сиз кўриб турган ушбу фотосуратларда ҳам яқин ўтмишимиз манзалари акс этган. Ўзбекистонда Ислом дини равнақи учун холис хизматлар қилган устозларни ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан хотирлаймиз. Улар мустабид тузум




ОЛАР ТИРАЛАР

даврида ҳам эл-юртга қайғуриш, одамларга яхшилик қилиш, илм ўргатиш йўлида ҳаммага ибрат бўларли даражада фаолият юрита олдилар. Демоқчимизки, биз ҳам бугунги дориломон кунларда бу устозларнинг эзгу йўлларини тутиб, тобора самарали меҳнат қилишга интилишимиз лозим.



Самарқандаги Улугбек мадрасасида таъмирлаш ишлари

Бароқхон мадрасасида ҳайит намози



Аъзам ЎКТАМ

«МАЗМУНИ ОЧИЛМАГАН...»

ШЕЪР ЭМАС

Жавонларига Мир Алишер Навоий ҳазратларининг китоблари териб қўйилган хонадонга кирсам, яйраб кетаман. Ўзбекнинг уйи шунақа бўлса-да! Дарвоқе, бу ерга бир қувончли воқеа сабаб бўлиб келдик — қирқ беш ёшга кирган акахонимизга Аллоҳ биринчи қизалоқ фарзанд ато этди. Суюндик, муборакбод этдик. Кейин китоб кўрдик.

— Бу китобларни қизингиз ўқиёлмайди-да, — деди бир меҳмон. — Улар лотин ёзувини ўрганишади-ку.

— Навоийни барибир ўргатамиз, — деди «ёш» ота. — Мен туғилганимда ҳам уйимизда Навоийнинг араб ва лотин ёзувидаги китоблари бор эди. Қизим катта бўлгунча шароит ўнгланиб кетади. Ҳукумат ҳам қараб турмас.

Биз ҳам бу гапни маъқуладик. Буюк келажакка интилаётган давлат маънавият, маърифат масаласига қанчалик эътибор бераётганини кўриб-билиб турибмиз-да ҳаммамиз.

Ана, Навоий бобомизнинг «Фан» нашриётида чоп этилаётган «Мукамал асарлар тўплами» қатор қилиб териб қўйилган. Рақамга ирим қиладиганларга тескари иш тутиб, 13-жилдни қўлга оламан — «Мажолис ун-нафоис». Бу асар адабиётшуносликнинг асосий вазифаси ҳисобланмиш баҳолаш, таҳлил ва тавсия этиш санъатининг энг юксак намунасидир.

Матнда форсий байтлар кўп. Шу боис тез-тез изоҳлар бўлимига қарашга мажбурсиз. «Барибир аслини ўқиб завқ ололмайман-ку», дедим-да, китоб сўнгига берилган таржималарни ўқишга тутиндим. Бир-биридан гўзал. Сўзма-сўз таржимаси шундай таъсирчан бўлса, асли қандоқ

экан? Ҳазратнинг назарига тушмоқнинг ўзи бўладими?

230-бетда қуйидаги изоҳга кўзим тушди:

«9-мақлуби муставий — шеърий санъат. Бирор жумла ёки бирор мисра шеърни ўнгдан ҳам, чандан ҳам бир хил ўқиладиган қилиб тузилади.

مراد دارم — мурод дорам (муродим бор) ва بر ايد يارب — барояд, ё раб (Илоҳо, етилгуси) сўзлари ҳар икки тарафдан бир хил ўқилади».

Ўзим ҳам қоғоз тирнаб юрганнимгами, бу санъат мени қизиқтириб қўйди. «Уни ким ишлатган экан?» деб матнга қарадим:

«Мавлоно Абдулваҳоб — донишманд ва зуфунун киши эрди ва Машҳад шаҳрида қози эрди. Иншо фанида беназир эрди. Имом қўрғони китобасида «Ирама затил ғимадиллатий лам йухлақ мислуҳа фил билад» оятин битибдур. Машҳаднинг шуаро ва зурафоси қозига шогирд эрдилар. Ул зурафодин бири «мақлуби муставий» санъатида «مراد دارم» алфозин топиб, қозига арз қилибдур. Ул оз тааммул била «بر ايد يارب» алфози била жавоб берибдурким, бу иши таърифдин ташқаридур» (33-бет).

Қойил қолмай илож йўқ. Бу фақат устоз-шогирднинг топқирлиги эмас, балки исломий асосга қурилганлиги билан диққатга сазовордир. Қаранг, шогирд «умидим бор», яъни «Шайтон ноумид бўлади, мен ундай эмасман», дейди. Модомики, у шайтонга эл бўлмаса, мўминдир. Аллоҳ таоло имонли бандаларига беҳиштдан жой беради.

Аллоҳнинг дўстлари кишиларни зулматдан нур сари чорлайдилар. Бинобарин, зиёга талпинганларни, яъни, умиди бор инсонларни руҳлантирмоқ даркор. Шу боис устоз: «Илоё, ет-

гин», дейди. Насиҳат, далда, сабоқ бўлса, шунчалик бўлар-да.

Шу пайт оят келтирилганлиги эсимга тушиб қолди. «Фажр» сурасининг 7-8-оятлари. Дунёдаги энг азамат қавмлардан бири Од бўлиб, улар ҳар тарафлама етук бўлиб, бирон қавм уларга бас келолмаган. Икки тоифа бўлган бу қавмдан яхшилари боболаридан бирининг номи (Ирома) билан оятда зикр этилган. Улар ўхшаши йўқ баланд-баланд иморатлар қуришаркан. Шунинг учун «затил ғимал» деб аталган. Машҳадда ҳам Имом қўрғони қурилганида мавлоно Абдулваҳҳоб мазкур оятларни деворга ёзган экан, деб тушундим. Тагин 230-бетни очаман.

«8 — бу арабча шеър мазмуни очилмади», деган гап ёзилган холос.

«Арабча шеър». Бу нарса йўқ-ку матнда. Ҳазратнинг ўзлари аниқ қилиб «оят» деб ёзибдилар. Ҳар қанча гўзал, мукамал бўлмасин, бирорта шеър оят даражасига ета олмайди. «Мазмуни очилмади». Атайлаб очилмадими? Яъни, «шундоқлигича қолдирдик, таржима қилишга журъат этмадик», деган маънодами бу гап? Ундай бўлса, яхши. Аммо ояти каримани «арабча шеър» деб аташ сираям мумкин эмас.

Улуғ мутафаккир шоир китобидаги изоҳ Пайғамбар алайҳиссаломни «мажнун шоир», Куръони Каримни эса «шеър» деган осийларнинг гапига ўхшаб қолмаслиги керак.

Ҳазрат асарларини бугунги ўқувчиларга етказиш борасида тер тўкаётган муҳтарам олимларимизга ҳурматимиз беқиёс. Улар янги имлода қайта, тўла мукамал ҳолатда нашр этилганда бу каби хатолар, албатта, тўғриланади...

Хонадонда чақалоқ йиғиси кучайди. Худо хоҳласа, шу гўдак ўсиб, бобокалонининг ижодини ўрганади. Бояги изоҳга кўзи тушса, у ҳам ҳайрон бўлиб қолиши мумкин. Биз эса ҳар доим фарзандларимизга эслатиб туришга мажбурмиз: «Оят шеър эмас! Шеър оят бўлолмайди!»

Абдулазиз табиб
САИДНУРИДДИН ўғли

КАШАНДАЛИК КЕЛАЖАКНИ ЗАҲАРЛАШДИР

Чекиш инсон соғлиғига, айниқса, хотин-қизларга кўп зарар бўлган ишдир. Чунки у аёлнинг ўзинигина эмас, бўлажак фарзандини ҳам ҳартомонлама касалванд қилади. Аянчлиси шундаки, чекишга, бангиликка тарбияси сушт қизлар бир ҳафта ичидаёқ ўрганиб қолишлари мумкин.

Нима учун тамаки зарарли? Чунки тамаки тутунининг таркибида никотин, углерод оксиди, углекислота, сероводород, аммиак, сионид кислота каби 20 дан ортиқ зарарли моддалар бор.

Чекувчи одам ҳар куни ҳаёт учун энг керакли тоза

ҳавони ўн фоизга кам олади. Одам чекканида аввал оғиз бўшлиғи, бурун, бўғиз, сўнг ўпка, юрак, қон томирлари шикастланади.

Ўпка яллиғланиши туфайли, ундан юракка тоза ҳаво

кам боради. Натижада, юрак чекмаган одамниқидан тез уради, қон босими кўтарилади. Томирлардаги қонни суюлтиради, баъзан қон лахта-лахта бўлиб қолади. Никотин асаб толаларида томир тортишини пайдо қилади. Бу ҳол ўз навбатида хотирани пайсайтеиради.

Ҳомиладор аёл икки киши учун нафас олиши керак. Агар она чекадиган бўлса, ҳомила ўн икки ҳафта ичида заҳарланиб улгуради. Ҳали туғилмаган болада нафас қисиши бошланади, бу ҳол қалқонсимон безга салбий таъсир қилиб, бўй ўсишини кескин сусайтеиради.

Кашанда онадан туғилган бола нимжон, елкаси кичик бўлиб, эмган сутида ҳам зарарли моддалар бўлганлиги туфайли доимо оғзидан сўлаги оқади, гавдаси бир оз олдинга эгилган бўлади. Бундай болалар вояга етса ҳам, кўп соҳада ўзини-ўзи эплай олмайди, баъзилари бора-бора жамият ҳисобига яшайди.

Кашанда аёлнинг зарари фақат ўзи ва боласигагина эмас, балки атрофдаги чекмайдиган одамларга ҳам албатта зарар етказади.

Кашандалик ўзбек аёлларига тарихдан мерос эмас. Бу нарса биз учун келгинди иллатлардан.

Чекишни ташлаш мумкин. Лекин бу иш аста-секин камайтириб бориш билан бўлади. Турли дори-дармонлар ҳам бор. Энг асосий омил эса, иродани қўлга ола билишдир. Аёлларимиз аввало оиласини, жамиятни, миллат, Ватан обрўйини ўйлашлари керак.

Тиббиёт бурчаги

Қон босимини туширади

1. Турк-булғор қалампир, унинг шарбати.
2. Хом карам, унинг шарбати.
3. Бақлажон.
4. Хом шолғом.
5. Хом ошқовоқ, унинг шарбати.
6. Бодринг.
7. Олча, тоғ олча.
8. Ер қалампир, барги, илдизи.
9. Сарик сабзи.
10. Чилонжийда, унинг қайнатмаси.
11. Отқулоқ, зубтурум.
12. Ҳамма кўкатлар.
13. Саримсоқ, кўк саримсоқ пиёз, анзур.

14. Лимон, апелсин, уларнинг шарбати.
15. Маккажўхори попугининг қайнатмаси.
16. Олма, нок, ўрик, олхўри, шотут.
17. Пиёз, айниқса, сафсар қора пиёз.
18. Равоч – чукри.
19. Шафтоли, унинг мағзи ва барги.
20. Сарик зира.
21. Тарвуз.
22. Турп, узум чирмови.
23. Хантал.

24. Кўк чой.
25. Янтоқ, эрмон.
26. Арпа, сули.
27. Сано, янтоқ, исириқ.
28. Қатиқ, унинг зардоби.
29. Угра оши.
30. Маврак.
31. Жағжағ, ажриқ томири.
32. Илиқ чашма сувига бошни узоқ тутиш.
33. Совуқ сувда ғулс.
34. Офтоб.



Хурматли «Ҳидоят» журналі ходимлари! Мен журналда Ислом тарихи, улуғ алломалар ибрати ҳақидаги мақолаларни ўқиб хурсанд бўлмоқдаман.

Илтимосим шуки, Тошкентдаги аёллар таҳсил олиши мумкин бўлган мадрасалар хусусида хабар берсангиз.

Умида САИДАЛИ қизи,
Гулистон шахри

Ўқиган ўқимагандан афзал. Нега? Чунки ўқиган аввало, ўзини танийди. Ўзи таниган Раббини танийди. Атрофида юз бераётган ҳодисаларнинг барчасини руҳан ва ақлан тафаккур қилади. Бу нарса, албатта, қалби Раббига таслим бўлган, уйғонишга чоғланган бандаларнинг саодатидир.

Таҳририятимизга мухлиса опа-сингилларимиздан бир неча мактублар келди, қўнғироқлар бўлди. Уларда фақат бир тилак: “Аёллар мадрасасида ўқимоқчи эдим”, “Аёллар мадрасаси қаерда?”, “Ҳадичаи Кубро номидаги аёллар мадрасаси бор деб эшитдим, шу ҳақда маълумот берсангиз”.

Саволлардан шошиб қоласан киши. Муҳтрама онахонларимиз, опа-сингилларимизнинг ил олишга рағбати шунчалик баландлигидан қувонамиз. Зеро, “жамият(нинг), башариятнинг ҳақиқий саодати яхши тарбия кўрмиш фазилатли хотинлар ила қойимдур”.

Мухбиримиз РАЙҲОНА Ҳадичаи Кубро номидаги аёл-қизлар Ислом ўрта-махсус билим юрти мудираси Малика НУРМУҲАММАД қизи билан суҳбатлашди.

АЛЛОҲНИ ТАНИМОҚ

Ил талабида бўлиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз.

Ҳадиси шариф



Малика НУРМУҲАММАД қизи
(ўртада) Тошкентда ўқитувчилар
оиласида таваллуд топган.

ТошДУнинг филология факултетини
тугатган. Педагогика фанлари
номзоди. Икки фарзанднинг онаси

— *Ҳадичаи Кубро мадрасаси мамлакатимизда энг нуфузли ил масканларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам аёл-қизларимизнинг мадрасага қизиқишлари катта. Аввало, бу ил масканининг ташкил этилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— 1991 йили Кўкалдош ўрта-махсус билим юртида аёллар бўлимини бошқарар эдим. Ўша вақтлари аёллар учун махсус ўқиш курслари ташкил қилинган эди. Биласизми, бир

кунда мингдан ортиқ хотин-қизлар ўқишга келар, тўрт маҳалда қирқ нафар ўқитувчи дарс берар эди. Бу ҳолат биз мураббийларга ҳам катта масъулият юклади. Аёлларимизга пухта таълим бериш учун давлат ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан тасдиқланган ўқув режалари, дарсликлар, дастурлар ниҳоятда зарурлиги ойдин бўлди. Шундан сўнг ўқув режалари ва дастурлар тайёрлаш ишларига

раҳбарлик қилдим. 1993 йил Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг фармони билан Эшон Бобохон номидаги хотин-қизлар мадрасаси ташкил этилди. Кейинроқ эса мадрасага Ҳадичаи Кубро номи берилди. 2000-2001 ўқув йилидан эътиборан «Ислом ўрта-махсус билим юрти» деган ном олди.

Ушбу Ислом ўрта-махсус билим юртининг таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таъ-

лим вазирлиги, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилган касб-ҳунар коллежлари андозасига тўғри келади.

Мадрасамизда дастлаб йигирмата талаба таҳсил олган. Исмоилова Иқбол, Ваҳобова Муҳаббат, Саидахмедова Санобар биринчи мударрисаларимиз бўлишди. Аста-секин вилоятлардан, қўшни республикалардан талабалар кела бошлашди. Ўзбек тилидаги дарсликлар билан бир қаторда араб тили, Куръони Карим тафсири, ҳадис, фикҳ илмларига оид манбалардан ҳам фойдаланяпмиз.

— *Абдулла Авлоний “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?” деган саволга “Биринчи — уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”, деб жавоб қилган эканлар. Ҳозирги кунда талабаларга таълим-тарбия бериш*



жараёни хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Талабаларимиз диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлар, хусусан, кимё,

манбаларни мутолаа қиляпмиз. Иншааллоҳ, келажакда ҳам дунёвий, ҳам ухровий билим соҳибалари бўлиб, улар «Диншунос, одобнома ва

бошланғич араб тили ўқитувчиси» дипломи билан тақдирландилар.

— **Хабарингиз бўлса керак, йил бошида республика бўйича**

Тўғриси, шу кунгача толибалар учун ётоқхона йўқ эди. Алҳамдулиллаҳ, бу муаммо ҳал бўлди. Талабалик нафақалари ҳам ошди. Бундан ташқари, яқинда вилоятлардан келган толибалар учун махсус нафақалар ажратилди. Фақат, дарсликлар етишмаслиги бизни қийнайди. Масалан, бизда бор бўлган 80 нусха “Тафсири Табарий” китоби бутун бошли мадраса учун ниҳоятда камлик қилаётир. Қолаверса, республикада аёл-қизлар мадрасаси атиги иккитагина: Бухородаги “Жўйбори Калон” ва “Хадичаи Кубро”. Келажакда булар-

ОЛИЙ САОДАТДИР

физика, Ўзбекистон тарихи, география, инглиз, рус тилидан ҳам дарс оладилар. Билим юрти тикувчиликка ихтисослашган. Ҳамширалик, ошпазлик касблари ҳам ўргатилади. Ҳар хил тўғарақлар бор. Жумладан, иккита қория қизлар тўғараги мавжуд. Ҳар бир илм даргоҳининг нодир хазинаси — кутубхонаси бўлиши керак. Қизларимизнинг кутубхонадан унумли фойдаланиши — китобсеварлиги мени жуда қувонтиради. Чунки кутубхона маънавиятимиз ўчоғидир.

Мадрасамизда 420 нафар талаба таҳсил олади. Шулардан 148 нафари кундузги бўлимда, қолганлари эса тайёрлов бўлимида ўқишаётир. Уларга олий-диний маълумотга эга бўлган 37 нафар малакали мударрисалар таълим-тарбия беришмоқда.

— **Толибалар қандай китоблар асосида сабоқ олмоқдалар?**

— Толиба қизларимизга Ислом тарихи, сарф, наҳв, фикҳ илмларини мукамал ўргатишга ҳаракат қиляпмиз. “Тафсири Табарий”, «Шифоҳийя» каби

қорилар мусобақаси ўтказилди. Аёл-қизларимиз ўртасида ҳам бундай мусобақа ўтказилса бўладими?

— Албатта. Биз ҳам, иншааллоҳ, келгуси йили жумҳуриятимиз бўйича қориялар мусобақасини ўтказиш ниятидамиз.

— **Биламизки, ҳозирги шароитда айрим муаммолар ҳам бўлиши табиий. Билим юрти жамоасини ўйлантираётган масалалар ҳақида тўхталсангиз.**

— Тўғри айтдингиз, баъзи муаммолар чиқиб турибди.

нинг сони кўпайса, илм олиш умидидаги кўп сонли аёлларимизнинг эҳтиёжини бемалол қондира оламиз, иншааллоҳ.

— **“Ҳидоят” журналига оид фикр-мулоҳазаларингизни, таклифларингизни айтсангиз.**

— Журналнинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиймиз. Таҳририятга бир илтимосимиз бор. «Аёллар саҳифаси» рубрикаси яна давом этса. Биз ўқимаган, билмаган янги-янги таржималар, мақолаю асарлар берилса, аини муддао бўлади.



Янги масжид қурилади

Русия Муфтийлари Кенгаши бундан бир неча йил бурун Петербург шаҳрида янги масжид қуриш ташаббуси билан чиққан эди. Энди бу қурилиш лойиҳасини ҳам шу ташкилот молиялаштирадиган бўлди.

Масжид қурилиши учун Лужская ва Лунарчарский кўчалари кесишган жой яқинидаги Мурунский боғидан 2 гектар майдон ажратилиши кўзда тутилган. Мажмуа очик ҳовлини доира шаклида ўраб турувчи унча баланд бўлмаган иморатлар, минора ва қуббалар тизимидан иборат бўлади. Умумий майдони 3 минг кв. метр бўлган қурилиш мажмуига 84 милён рубл (3 млн АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфланади. Лойиҳа муаллифи, меъмор Мирзабек Алиммирзаевнинг айтишича, бу кўзланган энг кам миқдор бўлиб, лойиҳа тасдиқлангач, яна кўпайтирилади.

Шунингдек, шаҳарнинг Приморский тумани, Планер кўчасида қуриладиган яна бир масжид лойиҳаси ҳам тайёрлаб қўйилган. Бу қурилиш лойиҳасини Санкт-Петербург ва Шимолий-Ғарбий Русия мусулмонлари диний бошқармаси тайёрлаган. Лойиҳа яқин кунларда инвестиция-тендер комиссияси тасдиғига киритилади.

Кашандаликка қарши

Лондон шаҳрида яшовчи мусулмонлар орасида тамакига қарши кураш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, ҳар йили Рамазон ойида бундай тадбирлар кенг ва таъсирчан тус олади. Англиялик мусулмонлар рўзани чекиш иллатидан бутунлай қутулишнинг энг қулай чораси деб билишади.

Кейинги йилларда Англияда ёш мусулмон аёллар орасида чекувчиларнинг бирмунча кўпайгани ташвиш уйғотмоқда. Шунинг учун ўтган Рамазонда Лондонда кашандаликка қарши махсус чора-тадбирлар ойлиги ўтказилди. Бу ташаббусни Лондон мэри Кен Левингстон ҳам маъқуллаб, Рамазон шарафига сахарлик уюштирган эди. Бу хайрли ташаббус фақат Рамазон ойи ва Лондон ҳудуди билан чегараланиб қолмади, албатта. Бутун Англия масжидларида чекишни ташловчиларга ёрдам бериш учун руҳиятшунос мутахассислар ишга олинди.

Амриқода мусулмонлар

Хозирги кунда АҚШ армияси сафларида 18 минг мусулмон хизмат қилади. Мамлакатда мусулмонлар сони янада ортмоқда. Маҳаллий қоратанли аҳоли орасида Исломга кираётганлар айниқса кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, ҳар йили ўн минглаб ёш мусулмонлар ўқиш учун АҚШга келадилар. Булар ҳисобига ҳам АҚШда мусулмонлар сони ошиб бораётир.

«Интернет» саҳифаларидан олинди

Илм дунёсига хушхабар

Коҳирадаги Ал-Азҳар университети дунёда энг қадим олий ўқув даргоҳи эканлиги ҳар бир мусулмонни фахрлантиради.

Ал-Азҳар масжиди мил. 972 йили фотимийлар томонидан қурилиб, уч йилдан сўнг толиби илмларга исломий таҳсил бера бошлаган. Минг йилдан кўпроқдан бери Ислом дунёсининг энг муҳим илм даргоҳи ҳисобланмиш бу олий ўқув юрти яқинда эълон қилган қарори билан бундан кейин ҳам илм оламида нақадар нуфузли ўрин тутажанини кўрсатди. Ал-Азҳардан хушхабар тарқалди: у ўз кутубхонасидаги қирқ мингдан зиёд қўлёзмаларнинг ҳаммасини интернетда нашр қилади. Демак, энди исталган пайтда дунё олимлари бу бой илм хазинасидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Ҳозиргача ушбу кутубхонадан фойдаланиш учун албатта визалар, рухсатномалар ва бошқа ҳужжатлар тайёрлаб, Қоҳирага шахсан бориш керак эди. Энди эса, йигирма биринчи асрнинг энг ривожланган замонавий усули орқали ҳамма мусулмонларнинг мероси бўлган бу қўлёзмаларни бемалол ўқиш имконияти юзага келди.

Мазкур қўлёзмаларнинг кўпи араб тилида битилгандир. Шунингдек, у ерда форс, турк ва урду тилларида ёзилган асарлар ҳам бор. Кутубхонада хос диний китоблардан ташқари адабиёт, тиббиёт, тилшунослик каби илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлар ҳам сақланади. Бу жамғармадаги энг эски қўлёзмалар мил. 969 йилда битилган экан.

Мазкур хайрли ташаббуснинг рўёби учун Дубай валиаҳди Муҳаммад ибн Рошид ал-Мактум беш милён доллар эҳсон қилди. Машҳур IBM компютер фирмаси техникавий ёрдам берадиган бўлди. Иншааллоҳ, дастлабки қўлёзмалар 2002 йил охирида интернет саҳифасига чиқади. Ундан кейин ҳамма қўлёзмаларни нашр қилиб бориш мўлжалланган. Айрим қўлёзмаларни бепул ўқиш мумкин. Қоҳирага боришга қурби етмайдиган кўп олимлар интернет қулайликлари тўғрисида асл нусхаларидан фойдалана оладилар.

Хусусан, ўзбек олимлари учун катта имконият туғилди. Имом Мотуридий, Имом Марғиноний ва бошқа йирик ҳанафий олимларнинг асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр қилишда ишончли нусхалар билан солиштириш имконияти туғилади. Ал-Азҳарнинг қарори барча илм аҳлига, ҳар бир мусулмон китобхонага катта хушхабардир.



«CS Monitor»
газетаси
2001 йил 15 март
сонидан чиққан
Сора Гаучнинг
«Ancient Islamic
Texts see the light
of Net» мақоласи
асосида
тайёрланди

ҚАЛДИРҒОЧЛАР КЕЛАРМИКАН

Кўчаларимизда, боғларимизда баҳор кезаётир. Ҳар куни ҳузурбахш шамоллар эсади, тез-тез ёмғирлар ёғиб турибди. Кунлар оқар сувдай тез ўтади. Осмонларимизда қалдирғочлар кўриниб қолди. Фақат мени бошқа бир ҳол ўйлантиради: бу йил ҳам қалдирғочлар айвонимизга уя солишармикан. Мен шу хаёллар билан марҳума бувижонимни эсладим...

Ўша йили баҳор бошланиб улгурмасиданоқ бувимлар хасталаниб, ётиб қолдилар. Оиламизда қувноқ кайфиятлар йўқолиб, ғамгин бир ҳолат пайдо бўлди. Биз неваралар бувижонимизга жуда ўрганиб қолган эдик. Ахир, у кишининг эркатойлари эдик-да! Энди бувимлар бизни ўйната олмас, қизиқ-қизиқ эртақ, ҳикоятлар айтиб беролмас эдилар. Бизлар эртаю кеч атрофларида гирдика-палак бўлардик. Лекин бувижонимиз бизни лоақал бир ҳаракат билан хурсанд қила олмас, фақат маъюс назар солиб, беозор жилмайгандай бўлар эдилар.

Баъзида мен эртақ айтиб беришларини сўрардим, шунда қўллари билан бошимни силаганча, хўрсиниб қўяр эдилар, холос. Бувимнинг хасталиклари кундан-кунга зўрайиб борарди.

Баҳор кўёши борлиқни яйратишга тушиб, ўлкамизга қалдирғочлар ҳам қайтиб кела бошлашди. Улар айвонимиздаги қадрдон уяларига келиб қўнишар, ҳар йилги одатларига қўра уяларини тумшукчаларида лой ташиб, таъмирлашга киришиб кетишган эди. Эсимни таниганимдан бери шу манзара такрорланади: айвонимизга келишиб, сайрашиб, яйрашиб, уялар қуриб, бола очиб, кўпайишиб, куз яқинлашганда учиб кетишади. Бувим бу беозор қушчалар-

ни жуда яхши кўрадилар. Уларнинг учиб-қўниб сайрашларини завқланиб кузатар, уялари тагига юпқа тахталар қўйиб, ўзлари тез-тез тозалаб турар эдилар.



«Қалдирғочлар жаннат қушлари, улар ҳам ўз тилларида Аллоҳга тасбеҳ айтишади. Сайрашларини бир диққат билан эшитиб кўринглар-а... Бизга улар «вал-фажрий, вал-фажрий» дея тиловат қилади», деб уқтирар эдилар.

Бизлар бувимизнинг гапларига ишонар, зўр қизиқиш билан қалдирғочларнинг ҳаракатларини кузатар эдик. Эрта тонгданоқ сайрашларини завқ билан тинглашга тушардик.

Бувимнинг хасталиклари кундан-кун зўрайиб борарди. Хонанинг бир деразаси шу айвонга очилар, гоҳида деразадан бувимларнинг мунгли овозлари эшитилиб қолар эди. Ойим меҳрибонлик билан бувимларнинг хизматларини бажарар эдилар. Биз ҳам ёнларидан кетмай, ҳолларидан хабар олиб турдик. Вақти-вақти билан докторлар келиб, дори-дармон бериб, муолажа қилишди. Дадам ҳам хизматларидан таътилга чиқиб, айвонда ёзув-чизувларини қилиб ўтирадиган бўлдилар. Бувимлар сал безовта бўлиб қолсалар, дарров олдиларига кириб қарашар, тезда соғайиб кетасиз, деб тасалли берар эдилар. Ниҳоят қалдирғочлар келишди. Лекин улар ҳар йилгидек

эмас, уяларини таъмирлашга киришган бўлса ҳам, жуда безовта, айвонда беармон қувнаб чуғурлашмас, жим келиб, тез учиб кетишар, яна аҳён-аҳёнда бир пайдо бўлиб қолишар эди.

Бувимлар яна бирор ҳафта шу аҳволда ётиб, 73 ёшларида вафот этдилар. Аллоҳ таолонинг иродаси, ўзи раҳматига олсин. Қуръони Каримда марҳамат қилинганидек, «**Ҳар бир нафс ўлим лаззатини тотиб кўргувчидир**». Биз маросимларни ўтказиш билан овора бўлиб эътибор қилмаган эканмиз. Барчамиз ҳайратда қолдик: жаннат қушлари — қалдирғочлар уяларини охиригача таъмирлашмасдан, бўм-бўш ташлаб кетиб қолишибди...

Ўшандан буён орадан бир неча йил ўтди, афсуски, айвонимизга қалдирғочлар қайтиб келишмади. Мен ҳар баҳорда қалдирғочларнинг келар пайтини интиқ кутаман. Бувижонимни эслаб, маъюс тортаман. Раҳматлик бувижонимнинг қалдирғочларни — беғубор жаннат қушларини айвонимизга чорлаб, уларга ғамхўрликлар қилиб, яхши тилаклар билан яна кузатиб қоладиган қалби, меҳри бизларда топилмаётирми, деган ўй мени изтиробга солади. Бувимнинг ҳақларига Қуръон тиловат қилиб, Аллоҳдан жойлари жаннатда бўлишини тилайман.

Мана, бу йилги баҳор ҳам ўтиб бораётир. Қалдирғочлар бу йил уйимизга келишармикан, айвонимизда ошён қуришармикан...

Аҳмадали МАСЪУДАЛИ

ўғли,


«Олтин мерос»

жамғармаси ходими

Довуд ХУНЗИКЕР,

AKSELS ташкилоти орқали илмий тадқиқот олиб бораётган Вашингтон университети аспиранти

ТУРКИСТОН САРИ ОДИМЛАР



шингтон университетида ўзбек тилини ўрганишга киришдим ва ўшандан бу ерларга келиш учун ҳаракатни бошладим. Албатта, ўзбек тилини мукаммал ўрганишим ҳамда ўзбек ва

1999 йил сентябрнинг бошида Ўзбекистонга келган бўлсам, илк дақиқалардан энг катта орзуларимдан бири албатта Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиш эди. Икки йил ичида бу муборак зотнинг ҳузурига осонгина бориб келсам керак деб ўйладим. Ҳақиқат мен ўйлаганча бўлиб чиқмади.

Ёшлигимдан Хожа Аҳмад Яссавий тўғрисида кўп ривоятлар эшитган эдим. Ўн беш ёшимда Амиқода инглиз тилида Куръони Каримни ўқиб чиққач, Исломни қабул қилдим. Шу бахтли воқеадан бир неча ой ўтар ўтмас Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўқиш имкониятига эга бўлдим. Биродарларимдан Онадўлида Туркистон диёрларидан кўчиб келган буюк мутасаввиф алломаси, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳамда Жалололдин Румийнинг шогирди бўлган Хожа Бектош Валийнинг мақбараси жойлашганини эшитдим. Ўзим тариқатда бўлмасам ҳам, бу валий зотларни зиёрат этишга ҳавасим кучли эди. Ниҳоят, мақсадимга эришдим. Кўнйа шаҳрида Мавлоно Румий қабрини икки марта зиёрат қилдим. Сўнгра Хожа Бектошга бордим. Кичкина бир қишлоқда жойлашган Хожа Бектошнинг ҳашаматли мақбараси Мавлоно Румийникига нисбатан анча тинч экан. Мен, Амиқодан келган ота-онам, синглим ва яқин дўстим билан у ерни зиёрат қилдик. Ул зотнинг руҳи покларига дуо ўқидим.

Гарчи бектошийлар ҳозир фаолиятда бўлмасалар ҳам, мақбара ҳовлисида тариқатга тегишли музей бор экан. Турли кўргаз-

малар воситасида Ҳазратнинг ҳаёти билан яқиндан танишдим. Хусусан, унинг Ўрта Осиёдан келиб чиққанлиги ва муборак заминда унинг устози ётгани мени қизиқтириб қолди. «Бир куни ўша буюк зотни ҳам зиёрат қилиш насиб этармикан», деган ширин орзу кўнглимдан кечди. Зиёратгоҳдан кунботарга — Истанбулга, у ердан эса Амиқога қайтиб кетаётган бўлсам ҳам, қалб кўзим кунчиқарга — Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси томонга қараб турар эди. Аммо у пайтлар бу мусулмон республикалар динсиз совет тузумининг қўли остида эди ва у ёқларга эркин бориб бўлмасди. Вақт ҳали эрта эди. Тоқат қилиб кутиб туриш керак эди.

Худонинг насиб қилгани ўз вақтида бўлади...

Бир неча йил ўтди. Совет Иттифоқи парчalandи, барҳам топди. Мени Хожа Аҳмад Яссавий ҳузурига боришдан тўсадиган асосий ғов — динсиз коммунист тузумининг Туркистон диёрларини бошқа Ислом олаmidан айириб, маҳрум қилиб турган девори йиқилди.

Лекин ҳали ҳам вақт етилмаган эди...

1993 йил университетни битирдим. Магистратурага кира олмай, беш йил китобфурушлик қилдим. Дўконда Ўрта Осиёга тегишли қандай китобга дуч келсам, сотиб олиб ҳаяжон билан ўқиб чиқардим. Натихада Турон заминининг машҳур шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Туркистонни кўриш истаги менда кучайиб борди.

Ниҳоят, 1998 йили ёзда Ва-

бошқа халқларнинг урф-одатлари билан яқиндан танишишим учун бир неча ҳафталик сафар етмас эди. Камида бир йил яшашим керак эди бу ерларда. AKSELS ташкилотида шундай имкониятлар борлигини билгач, ҳам AKSELSга, ҳам университетимга грант (нафақа) учун мурожаат қилдим. Не бахтки, бир вақтнинг ўзида иккала грантни ҳам олишга эришдим.

Тошкентга келганимнинг илк ойлари шаҳарларни ўргандим ва кутубхоналардаги ишларим билан банд бўлдим. Тошкентда яхши жойлашиб, ишлай бошлаганимга икки-уч ой бўлгач, Хожа Аҳмад Яссавийни зиёрат қилиш ниятимни амалга оширмоқчи бўлдим. Афсуски, Қозоғистонга ўтиш учун виза керак эди.

Сўнгра: «Олмаотадаги миллий кутубхонадан ва Қозоғистон Фанлар Академиясининг кутубхонасидан фойдаланишга борсамчи, — деган ўй келди ҳаёлимга. — Ўшанда Туркистон зиёрати учун ҳам имкон бўларди». Ниҳоят, AKSELS орқали Қозоғистонга бир йиллик виза олдим. Бу виза менга анча қимматга тушди, аммо Хожа Аҳмад Яссавийнинг меҳмони бўлиш мен учун ундан кўра қимматлироқ эди. Шундан кейин икки марта Олмаотага бордим. Ҳар гал Туркистонни зиёрат этишни кўнглимга туғиб бордим, лекин насиб бўлмади.

Тангрининг насиб қилгани ўз вақтида бўлади...

Сўнг Туркменистонга бордим. Бир ҳафтача Ашхобод кутубхоналаридан фойдаландим. Тошҳовуз вилоятига бориб, Кўҳна Урганч шаҳарининг хароботини кўрдим. У ерда Хожа Аҳмад Яссавийнинг замондоши

буюк аллома шайх Нажмиддин Кубронинг мақбараси бор. Эшиги ёпиқ эди. Мақбарага қарайдиган ёшулларга мен бир амриқолик мусулмон Тошкентдан атай шайхнинг қабрини зиёрат қилишга келганимни айтганимдан сўнг эшикни очишди. Шайх Нажмиддиннинг ҳузурда ёшуллар Куръон ўқишимни илтимос қилишди. Хуфия қилиб Фотиҳа сурасини ўқидим. Илтимосларига биноан, Ват-тийн сурасини ўқидим. Ёшуллар билан анча суҳбатлашдик, бирга расмга тушдик. Қандай зўр расм эди у!

Ўтган йили Наврўз пайтида Бухорои шарифга бордим. Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Арк, Лаби Ҳовуз каби тарихий жойларни томоша қилдим. Ростдан, Бухоронинг ўзига хос ҳавоси бор экан. Эски шаҳарнинг кўчаларида айланиб юрар эканман, мендан олдин кимлар бу кўчаларда кезиб ўтган деб тасаввур қилдим... Қанча олимлару шоирлар, дину давлат арбоблари... Ва шайхлар султони Баҳоуддин Нақшбанднинг шаҳардан сал четроқда жойлашган мақбараси ҳали ҳам Бухорога маънавий нур сочиб, уни улуғлаб келмоқда.

Ёзда Амриқога қайтиб кетдим, қалбимда бир оғирлик бор эди. Ҳа, Ўрта Осиёнинг улуг тасаввуф алломалари, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандлар ётган нурли мазорларни зиёрат қилдим, лекин асл мақсадим рўёбга чиқмай қолаверди. Туркийзабон халқларнинг пири султони Хожа Аҳмад Яссавийга анча яқинлашиб қолган бўлсам ҳам, ҳали зиёратига мушарраф бўла олмаган эдим.

Парвардигорнинг насиб қилгани ўз вақтида бўлади...

Сентябр ойининг охирида Тошкентга қайтиб келдим у яна Туркистон сафарининг режасини ўйлай бошладим. Яна йўл бўлмади.

Туркманистонга кетиб қолдик. Хожа Аҳмаднинг устозлари Юсуф Ҳамадонийни зиёрат қилдим.

Юсуф Ҳамадоний узоқ йиллар Марв ва Бухоро шаҳарларида яшаб, ўша даврнинг энг

улуғ Ислом олимларини етиштирган. Талабалари орасида Хожа Аҳмад Яссавийдан бошқа буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий бобоси, Хожагон таълимотининг қурувчиси Абдулхолиқ Гиждувоний ҳам бор эди. Марв шаҳри харобот ҳолатида бўлиб, ҳозирги Мари шаҳридан тахминан 40 чақирим узоқда жойлашган. Аслида бу шаҳар милоддан аввалги VI асрдан то мўғул истилосигача Ўрта Осиёнинг энг муҳим маданий марказларидан бири ҳисобланар эди. Бу ердаги харобот ва сукунат зиёратнинг асосий мақсади — ўлимни эслаш учун ниҳоятда муносиб...

Рамазон ойи тез етиб келди. Рамазоннинг ўрталарида Қозоғистонга бир йиллик виза муҳлати тугар эди. Илмий раҳбарим Сайфиддин ака Рафъидинга маслаҳат солдим.

Хуллас, Аллоҳ таоло бу икки соликка муборак рамазон ойида Туркистонга боришни насиб қилди. Рўзадор бўлиб йўлга чиқдик. Сафаримиз асносида ёмғир ёғиб турди. Туркистон шаҳрига етганимизда ёмғир ва тумандан мақбара кўринмас эди. Аввало, намоз ўқишга масжид ахтардик. Айни пайтда, ёмғирда ҳўл бўлиб совуқ еган эдик.

Кўча устидаги масжидга бордик. Жамоат пешин намозини ўқиб бўлган экан, кичкинароқ бир хонада ибодатларимизни адо этиб олдик. Ўчоқдаги олов танимизни иситди. Ўчоқнинг иссиқ тафтидан танларимиз исиган бўлса, Хожа Аҳмад яшаган шаҳардаги илк намозимиздан қалбларимиз ҳам исиди.

Намоздан сўнг ниҳоят ўн йилдан бери орзу қилиб юрган Хожа Аҳмад Яссавийнинг мақбараси томон йўналдик. Туман қалин бўлгани учун қанча яқин борган бўлсак ҳам, мақбара кўринмади. Элик метрлар қолганида туман парда ортидан умумий манзара кўрина бошлади. Яқин борганимиз сари ўша муборак даргоҳнинг шакли тиниқлашаверди. Янаям яқинлашдим. Ажабки, мақбара бошқа мен кўрган баъзи исломий иморатларга нисбатан жуда ҳам сод-

да экан. Айни шу соддалиги Хожа Аҳмаднинг шахсияти борасидаги тасаввурларимга мувофиқ келар эди. Бу авлиё зот ўзлари ҳам бениҳоя содда ва пок бўлганлар. У кишигача олимлар китобларини араб ё форс тилларида битишар эди. Хожа Аҳмад эса, биринчи бўлиб оддий халққа ўз она тилида хитоб қилди.

Дарҳақиқат, бу даргоҳ у кишига мос эди.

Дарवेशлар султони Хожа Аҳмад Яссавийга муҳаббатим янада кучайди.

Мақбара ичига кирдик. Дуолар ўқидик. Бу буюк шахсият қошида ўз ўлимимизни эсладик...

Ҳа, *Аллоҳнинг тақдир қилган вақти шу экан*, ниҳоят орзуимга эришдим.

Тошкентга қайтишда Хожа Аҳмад туғилиб ўсган Сайрамда кўноқладик. У ерда Сайрам музейининг мудири, Сайрам тўғрисида кўплаб китоблар ёзган Мираҳмад ака Мирхолдор ўгли билан таровеҳ намозидан кейин учрашдик. Мираҳмад домла бизга Хожа Аҳмаднинг авлоди бўлган Сайрам халқининг ажойиб меҳмондўстлигини кўрсатди.

Тонг отгач, музейда баъзи бир кўлөзма китобларни кўриб чиқдик. Хожа Аҳмад Яссавийнинг оталари ва оналарининг мақбараларини зиёрат қилганимиздан сўнг Мираҳмад домла билан хайрлашишимизга тўғри келди.

Машинада Тошкент сари қайтарканмиз, орзу сари йўлларимни бир-бир эсладим. Неча йиллардан бери Хожа Аҳмад Яссавийни зиёрат қилиш ниятида эдим. Кўп машаққатдан сўнг мақсудимга етдим. Лекин бунинг учун аввал Туркия ва Ўрта Осиёдаги неча авлиёни, Хожа Аҳмаднинг қанча-қанча шогирду устозларини зиёрат қилишим лозим бўлди. Сабр-тоқатни чиниқтириб улуг зотлардан ибрат олдим. Дўстлар билан имонлашдим. Туркистон сари одимлаб, бу биргина шаҳарнинг эмас, балки мен кўрган бутун бу табаррук ўлканинг умумий номи Туркистон эканини ҳис этдим. Айни чоқда, такрор-такрор икром бўлдимки, *Аллоҳнинг насиб қилгани ўз вақтида бўлар экан*.

Муҳаммад ЗАРИФ ҲИКМАТЗОДА

ИШҚ ОФТОБИ КЎКСИМГА БОТДИ

Машрабона

борму ики олам аро
мандек ичу таши хароб
йиғлайурам тўкиб гулоб
гул бундадур йуз бундадир
гулйуз қани

бул маконда мен ломакон
ҳайрон кела кетам ҳайрон
кўнгул баҳридин кечди жон
дил бундадир дор бундадир
дилдор қани

Қаффол Шоший
мақбарасида

- Эй йўлчи, кимсен, айт?
- Мен йўқмен.
- Исминг не?
- Мосуво.
- Қайдан келдинг?
- Йўқликдан.
- Қайон кетмакдасен?
- Йўқликка.

мен ўз йўқлигимнинг
бедил ошиғи
ва сенинг борлигинг
гирифторимен

эй меним йўқлигим
энг лазиз гамим
энг чуқур изтиробим
энг сўнгсиз аввалим
энг йаширин ҳувайдом

илоҳи
йана келдим ҳузурингга
эгиб гуноҳкор бошим
муслим бўлолмадим
гарчи таслим бўлган эсам-да,
куфр қўлимдан келмади
гарчи оз эмасдир журмим

шу обид банданг
ва шу мужрим қулинг
куз йапроғидек титраб
тўкилмак истар сенинг йўлингда

сенсизмен
илоҳи
эски бу дайрда
хароб бўлдим шу хароботда

илоҳи
мен истамам бундай борлиқни
ва йўқлик истаймен

сенда маҳв бўлмак истагида
эмранар кўнгил
эврилар бу жон
ва лаззат йўқ бўлмак
сенинг абад борлигинг
на хушдир
сенинг бўлишингга бўлмаслик

мен забунмен
марҳаматинг гадосиман
рад этма
узоқ тутма ўзингдан
бу ожизингни

илоҳи
сенсизликда хазон бўлди
умр боғим
сарғардим сўлдим
бир баҳор истайман

мен бир уд
ҳиссиз бу даҳрнинг
туйғусиз деворига илинган
истагим — наво

кел эй баҳорим
эй оҳангим кел
ол бу бенавони йашилга бўйа

эй мени жаннатдан
индирган оҳим
бир оҳ чек-да йуксалтир мени
йуксалтир мени
йуксалтир мени

Мусофир

қўлимдан тутиб йўл кўрсатар
ҳайот

йелкамда алмисоқдан қолган
хуржун
бир кўзида севинч бир кўзида
гам
чап йонимда ҳамроҳим
ўлим
бу кун мени
бир парча қайғу билан
меҳмон қилар
тупроқ
само икром этар бир томчи
севинч
мени чорлайотир йоп-йоруг
садо
бу савдо ичида
сассиз садосиз
келиб борайапман
қоронғуликда

Сенсизликда
битилган қўшиқ

ишқ офтоби кўксимга ботди
кўкда ҳилол кезар оввора
мен ўнгимда сени йўқотдим
тушимга кир жоним бир бора

не фарзона жунун кўнгилда
гам даштида сарсон ғуборим
бир гул кўрмай ўтдим умримда
тушимга кир ай гул узорим

бормидир бу ҳижрон адоғи
замин ғариб осмон йиғлайдир
ҳазон ичра эмранар боғим
кел баҳордек тушларимга кир

лол қолдира икки дунйони
бир бор кўзим устина буйур
мен бир умр туш кўрай жоним
сен тушимда қолгил бир умр



Кимни Қуръон тиловати ва Мени зикр қилиш мендан сўрашдан машғул қилиб қўйса, Мен у кишига сўровчиларга берадиганимнинг энг афзалини ато этаман. Аллоҳ каломининг бошиқа каломлардан фазли Аллоҳнинг барча махлуқлардан афзаллиги кабидир.

Ҳадиси қудсий

ҚУРЪОН СУРАЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Ўнта сура ўнта офатни қайтаради: Фотиҳа сураси Аллоҳнинг ғазабини; Ёсин сураси қиёмат чанқоғини; Духон сураси охираат қўрқинчини; Воқеа сураси камбағалликни; Таборак сураси қабр азобини; Кавсар сураси хусуматни; Кафирун сураси ўлим арафасидаги куфрни; Ихлос сураси мунофиқликни; Фалақ сураси ҳасадни; Нос сураси васвасани».

Табароний ривояти

Ким кечаси Бақара сураси-

нинг охириги икки оятини ўқиса, ушбу икки оят унга кифоя қилибди.

Қуръондаги энг улуғ сура “Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин” дир.

Бухорий ва Муслим ривоятлари

Залзала сураси Қуръони Каримнинг ярмига, Ихлос сураси Қуръони Каримнинг учдан бирига, Кафирун сураси эса, Қуръони Каримнинг тўртдан бирига тенгдир.



Ҳар бир нарсанинг қалби бўлади, Қуръоннинг қалби Ёсин сурасидир.

Мулк сураси қабр азобидан манъ этувчи, қутқарувчидир.

Қуръон оятларининг саййиди Оятул курсийдир. Ким бу оятни ўқиса, Аллоҳ уни шайтон ва унинг аҳлининг ёмонликларидан сақлайди.

Аҳмад ва Термизий ривоятлари

Абдуқаюм ҲИКМАТ
тайёрлади

Насиҳат

Қуръони Карим энг улуғ мўъжиза, айни чоқда, унинг инсон қалбида бўлиши улуғ илоҳий неъмат ҳамдир. Ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Қуръони Каримни ўрганган ва ўргатганларингиз сизларнинг яхшиларингиздир».

Қуръони Карим ҳар ояти, ҳар калима ва ҳарфининг бир ҳикмати, бир сири бор. Мўминлар Қуръони Каримни тиловат қилиш (ёки эшитиш) билан, маъносини билса-билмаса, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилади. Чунки уни ўқиш ва эшитиш ибодатдир.

Азиз биродарим, сиз ёшингиз ўтиб қолганидан афсус чекманг. Чунки инсон хотирасининг қарилик билан боғлиқлиги ўта нисбийдир. Хотира пасайишининг қарилик билан боғлиқлик даражаси жуда кам. Унинг пасайишига биз ўзимиз сабабчи бўлаемиз. Қариликда биз жисмонан заифлашиб, миямизни кам ишлатаемиз. Бу эса мия ялқовлигига, паришонхотирликка ва ниҳоят хотира пасайишига олиб келади. Ҳолбуки, мияни, хотирани ишлатишга ортиқча куч талаб қилинмайди.

Хотирангизни фаол ишлатинг, уни оқсил моддалар танқислигидан асранг, шундагина унинг

ТИЛОВАТ ВА ХОТИРА

имкониятларини сақлаб қоласиз.

Хотирангизни яхшилаш учун ўзингиз илгари яхши билган сура, оят, маълумотлар билан бош мияннгизни, унинг хотира хазинасини тез-тез «қитиқлаб» туринг. Бу нараса хотира сўниб боришининг олдини олади.

Ёд олиш учун танлаган оят, сураларни ёдлаш муддатини белгилаб, мақсад қилиб қўйинг. Уни набираларингиз билан биргаликда ёдласангиз, бирийўла иккита мақсадга эришасиз. Улар икки-уч кунда ёд олсалар, сиз ҳафтада ўзлаштирасиз.

Паришонхотирликка Ислом ман этган нарсаларнинг истеъмоли ҳам боис эканини унутманг! Олимлар кузатишича, бир кунлик чекиш ўқиш қобилятини 4,42, кузатувчанликни 7,09, ҳаракат тезлигини 1,02, ёдлаш қобилятини 5,55 фоизга сусайтирар экан.

Имом Ғаззолий битганидек, «Қуръон бир нурдир. Хато қилишдан нажот ва қутулиш фақат у билан мумкиндир, қалбларни бузувчи касалликларга шифо ундадир».

Турсунхўжа ҲИДОЯТХЎЖАЕВ





Ўзи кичик, ақли буюк

Бир куни валийлар саройининг султонларидан бири Молик ибн Динор ҳазратлари бир болага дуч келдилар. Шундай ажойиб бола гоҳ тупроқ ўйнар, гоҳ табассум қилар, гоҳида эса ўтириб йиғлар эди.

Молик ибн Динор (р.а.), шу болага салом берай, деб кўнгилларидан ўтказдилар, аммо нафслари бунга йўл қўймади. Шунда бу иш шайтоннинг ҳийласи эканини дарров тушундилар ва: «Эй нафс! Аллоҳнинг севикли Расули (с.а.в.) катталарга ҳам, кичикларга ҳам салом берар эдилар. Сен ўзинг кимсан, наҳотки сенга бу олижаноб фазилат оғир келяпти?» дедилар.

Сўнгра болага салом бердилар. Болакай эса:

– Ва алайкум ассалом, эй Молик ибн Динор ҳазратлари, – деб жавоб берди. Ул зот хайратланиб шундай дедилар:

– Эй болагинам! Сен билан ҳеч учрашмаган бўлсак, қандай қилиб мени танидинг?

– Руҳим, руҳингиз билан малакиёт оламида учрашган. Ҳозир эса қудрати чексиз Аллоҳим таништиради.

– Болагинам, ақл ила нафс орасида қандай фарқ бор?

– Сизни менга салом беришдан ман қилган нафс,

салом беришга ундаган эса ақлдир, – деди.

– Нима учун тупроқ ўйнаяпсан?

– Чунки биз тупроқдан яратилганмиз, яна унга қайта-та-миз.

– Нега тупроқ ўйнай туриб, гоҳ куласан ва гоҳи йиғлайсан? Бунинг ҳикмати нима?

– Раббимнинг азоби кўз ўнгимга келганида йиғлаяпман, раҳматини эслаганимда эса куляпман.

– Оҳ, ўғилгинам!.. Нима гуноҳинг борки, йиғлайсан? Аслида, биз йиғлашимиз керак!

– Ундай деманг, эй Молик ҳазратлари. Чунки мен онам ўчоққа олов ёқаётганларида ҳар доим катта ўтинларга кичкиналарини ҳам илаштирганларини кўрганман. Хўш, қандай қилиб йиғламайин?

Ҳа, Аллоҳнинг шундай куллари ҳам бор: ўзи кичик, лекин ақли буюк.

«Улар қандай банда эди»
китобидан олинди

НИМА ОЛИЎ КЕЛДИНГИЗ ?

Учта қақилдоқ неварам бор. Тўнғичи Дилором беш ёшдан ошди, Барно уч ёш, Ҳабиба бир ярим ёшда. Шу қадар шўх, гапга чечанки, асти қўяверасиз. Айниқса, ишдан қайтишимда қалдирғоч полапонларига ўхшаб



чуғурлашиб, бир-биридан олдинга интилишиб йўлакда салом бериб қарши олишади. Саломни охирига етказмасдан, нима олиб келдингиз, деб чўнтақларимни пайпаслашга тушишади. Қўлларига теккан нарсани бири-бирига кўз-кўз қилиб, мақтанишади. Келиним Лобархон ҳар гал хижолат чекиб:

– Нима олиб келдингиз деб сўраманглар, уят бўлади, – деб уларни тартибга чақиради.

Кеча ишдан келсам, остонада Дилором, сингиллари кўчада бўлишса керак, кўринишмади, жилмайиб:

– Ассалому алайкум дода, яхши келдингизми? – деб кутиб олди.

Мен алик олиб, пешонасидан ўпиб, туфлимни еча бошладим. Дилором менга маъноли қараб, нимадир демоқчи бўлгандай жилмайиб турарди. Сўнгра яқинроқ келди-да:

– Дода, мен бугун сиздан нима олиб келдингиз, деб сўрамадим-а, – деб мақтаниб қўйди.

– Ҳа-а-йа, – деб ичкарига кириб кетдим. Сабри қайтиб чиққунимча ҳам етмади шекилли, эшикнинг тирқишидан унинг: «До-о-до-о, айта қолинг энди, ўзи бугун бизага нима олиб келдингиз», деган овози эшитилди.

Омонуллоҳ МУТАЛ

ЖАНОЗАМНИНГ ДУОСИ

Жума куни эди. Тайёргарлик кўриб, масжидга йўл олдим. Жомеъ ҳовлисига кириб, доимий жаноза ўқиладиган жойда маййит турганини кўрдим. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун». Иншааллоҳ, бугун жаноза ўқирканмиз-да, деб масжидга кирдим. Жума намозини ўқиб бўлгач, ҳамма жаноза намозига саф тортди. Имом озроқ маъруза қилди, сўнг жаноза намози ўқилди. Дуо қилиб бўлгач, ҳамма тобутни кўтаришга шошилди. Шунда бир ҳадис эсимга тушди:

«Агар маййит солиҳ киши бўлган бўлса, мени тезроқ қабрга олиб боринглар, деб хитоб қилади, агар маййит ёмон киши бўлган бўлса, шошманглар, мени қаерга олиб боряспизлар, у ёққа олиб борманглар, деб ялинади».

Ҳозир мана шу икки ҳолатдан бири юз бераётганини қалбан ҳис қилдим. Вужудимда титроқ турди. Кўзларим беихтиёр юмилди ва мен ўзимни... маййитнинг ўрнида кўрдим.

Ана, мени олиб кетишяпти. Шунда ажиб бир ҳолат юз берди: буюк бир зотнинг муножотини мен ҳам жанозамнинг лисони ҳоли билан, руҳимнинг лисони қоли билан бақириб ўқиётган эдим (буларни, албатта, ҳеч ким эшитмаётган эди):

«Омонлик бер, йо Ҳаннон, йо Маннан! Мени гуноҳларимнинг ҳижолатидан қутқар!»

Қабримнинг бошига етдим. Бошимни даргоҳи раҳматига

кўтариб, бутун қувватим билан фарёд этиб, нидо қилдим:



«Йо Ҳаннон, йо Маннон! Мени гуноҳларимнинг оғир юкларидан халос айла!»

Мана, қабрга ҳам кирдим. Одамлар мени кўмиб бўлиб, у ердан кетишди. Мен эсам, Аллоҳнинг афву мағфиратини интизор бўлиб кутяпман. Ва билмушоҳада кўрдимки, Ундан бошқа ёрдамчи йўқ. Гуноҳларнинг чиркин юзидан ва у маконнинг торлигидан бутун қувватим билан нидо қилиб, дедим:

«Йо Роҳман! Йо Ҳаннон! Йо Маннон! Йо Даййон! Мени чиркин гуноҳларимнинг ҳамроҳлигидан қутқар! Қабримни кенгайтир! Илоҳим! Сенинг раҳматинг ёрдамчимдир ва роҳматан лил ʼаламийн бўлган Ҳабибинг Сенинг раҳ-

матинга етишиш учун василамдир. Сендан шикоят эмас, балки нафсимни ва ҳолимни Сенга шикоят қиламан».

«Эй Холиқи Каримим ва эй Робби Роҳиймим! Сенинг Отабек исмли махлуқинг ва банданг ҳам осий, ҳам ожиз, ҳам ғофил, ҳам жоҳил, ҳам залил ҳолида хожасидан қочган бир қул каби, шунча йил дунёни кеза-кеза, охири минг бир надоматла Сенинг даргоҳингга қайтиб келди. Сенинг раҳматингга илтижо қиляпти. Ҳадсиз гуноҳ ва хатоларини эътироф этапти. Ваҳима ва турли иллатларга мубтало бўлгани ҳолда, Сенга тазарру ва ниёз қиляпти. Агар камоли раҳматинг билан унинг тавбаларини қабул этсанг, зотан бу Сенинг шаънингдир, чунки Арҳамур роҳимийнсан; агар қабул этмасанг, Сенинг эшигиндан бошқа қайси эшикка бораман?! Сендан

бошқа Парвардигор йўқки, даргоҳига борсам. Сендан бошқа ҳақ маъбуд йўқки, унга илтижо қилсам!..»

...Хаёлим жойига келди. Маййит анча узоқлашиб кетибди, мен зўрға беш-олти қадам юрибман, холос. Қўлларим дуога очилган, кўзларимдан дув-дув ёш оқар. Атрофда одамлар сийраклашиб қолибди. Сўнги бор издиҳомга қарадим ва: «Алҳамдулиллаҳ, ҳали тирик эканман. Тавба қилишга ҳали вақтим бор экан», дедиму истиғфор айта бошладим.

Отабек ФАЙБУЛЛОҲ ўғли

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,

филология фанлари доктори

АДАБ ИЛМИ ДУРДОЖАСИ

Улуғ аллома Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Муқаддату-л-адаб» асари олим илмий меросининг жавҳари ҳисобланади. Бу асар илмий адабиётларда «Адаб илмига кириш», «Сўз илмига кириш» тарзида таржима қилинган. Унинг туб моҳиятини англаш учун асар номидаги «адаб» сўзига эътибор бериш лозим. Илмий адабиётларда «адаб» атамаси умум таълим фанларининг мажмуи сифатида изоҳланади. Ўрта асрлар шарқ илмида балоғат-фасоҳат, сарфу наҳв, луғат, аруз ва хаттотлик каби соҳалар адаб илми доирасига киритилган.

Адаб илмини тўлиқ эгаллаган киши «адиб» бўлган. Адиб саводхон, маданиятли ва ўқимишли киши бўлиб, ундан шу даражага муносиб билимларни ўзлаштириш учун муайян миқдордаги сўз бойлиги талаб этилган.

Маҳмуд Замахшарий нафақат Хоразмда, балки бутун мусулмон дунёсида ўзининг илмий етуқлиги, асарларининг пишиқлиги, араб, форс, туркий тилларини пухта билиши билан ажралиб турар эди. Аллома ҳаёти давомида бир неча марта бошқа мамлакатларга сафар қилди, кўплаб олимларнинг асарларини чуқур ўрганиб, билимларини мустаҳкамлади.

Манбаларда кўрсатилишича, «Муқаддату-л-адаб» 1130 йиллар арафасида, алломанинг айни етуқлик даврида ёзилган. Китоб беш қисмдан иборат. Унинг дастлабки икки қисми, яъни, исмлар ҳамда феъллар қисми луғат шаклида берилган. Асарнинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмча, арабча-форсча-туркий, арабча-туркий-мўғулий сўзликлар киритилган қўлёзмалари бизгача етиб келган. Асарнинг биринчи — исмлар ҳақидаги қисмида 6250 та сўз мақоласи бор. Сўзларнинг умумий сони эса бу миқдордан анча кўп. Муаллиф исмлар қисми сўзлигини 18 боб, 78 фаслда изоҳлаб беради.

«Муқаддату-л-адаб»нинг феъллар қисми юқори ва етуқ илмий савияда ёзилган. Бунда Замахшарийнинг араб тилини жуда мукамал билганлиги яққол

кўринади. Муаллиф араб тилидаги мавжуд барча феъл боблари ва улардаги барча ички ўзгаришларга оид қоидалардан бохабар бўлган. Бу қисмдаги сўз мақолалари фақатгина феъллардан иборат эмас. Унинг таркибига феъллардан ясалган исмлар, аниқ ва мажхул даража сифатдошлари ҳам киритилган. Маҳмуд Замахшарийнинг яна бир муваффақияти шундаки, у аксарият феъл мақола-



ларини бирикма, жумла таркибида келтиради. Бу илмий маҳорат у ёки бу феъл мақоласининг маъносини аниқ далил билан изоҳлашга имкон беради. Мазкур қисмда жами 6934 та феъл мақоласи, 1716 масдар, сифатдош кўриниши жамланган. Асарнинг феъллар қисми исмлар қисмини мантиқан тўлдиради, унинг сўз бойлигини ранг-баранг қилади, бойидаги.

«Муқаддату-л-адаб»нинг қўмакчилар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига оид қисмлари араб тили грамматикаси қоидаларига бағишланган ва бошқа тилларга таржима қилинмаган. Асарнинг мазкур қисмлари равон, тушунарли тилда ёзилиб, кўплаб мисоллар келтирилган. Вақт ўтиши билан мустақил асарлар ҳолатида кўпайтирилган. Араб тилини ўрганиш учун асосий ўқув қўлланмаси сифатида грамматик мажмуаларга киритилган. Асарнинг бу қисмлари кейинги асрларда кўплаб нусхаларда кўчирилган. Биргина Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон жамғармасида «Ал-хуруф» рисоласининг ўндан ва «Тасрифул-асмо» асарининг қирқдан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд.

Хуллас, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддату-л-адаб» асари ноёб қомусий манба ҳисобланади. Уни пухта тадқиқ этиш олимларимиз зиммасидаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

БАРАКОТЛИ КУН

Сувайд ибн Фафладан ривоят қилинади:

«Ҳазрати Али (р.а.) маълум бир пайт моддий жиҳатдан анча қийин аҳволга тушиб қолди. Шунда Фотимага (р.а.):

– Отанга бориб озроқ ёрдам сўрасанг бўлармиди... – дея уни Жаноби Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) ёнларига жўнатди.

Фотима (р.а.) эшик тақиллатганида Умму Айман (р.а.) онамиз Расули Акрамнинг (с.а.в.) ёнларида эди. Сарвари Койнот (с.а.в.):

– Бу Фотиманинг эшик тақиллатишига ўхшайди. Қизик, бемаҳалда нимага келди экан? – дедилар.

Фотима ичкари кирди ва:

– Ё Расулуллоҳ, фаришталарнинг озиғи: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» дейиш, Аллоҳга ҳамд ва тасбеҳ айтишдир. Бизнинг озиғимиз нима? – дея сўради.

Пайгамбаримиз (с.а.в.):

– Мени ҳақ пайгамбар қилиб юборган Аллоҳга қасамки, бир ойдан бери Муҳаммаднинг уйида овқат пишириш учун олов ёнгани йўқ. Бизга бир нечта эчки келтирилибди. Хоҳласанг, бештасини сизларга беришга буюраман. Хоҳласанг, Жаброил алайҳисса-

лом менга ўргатган калималарни ўргатаман, – дея марҳамат қилдилар.

Шунда Фотима (р.а.):

– Ё Расулуллоҳ, менга Жаброил алайҳиссалом Сизга айтган ўша калималарни ўргатинг, – деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

– «Эй ибтидоси ва интиҳоси йўқ Зот! Эй куч-қудрат эгаси Аллоҳ, эй марҳаматдиларнинг энг марҳаматлиси Аллоҳим», дегин, – дедилар.


Шундан сўнг Фотима (р.а.) уйларига қайтиб келди.

– Нима гап? – сўради Али (р.а.).

– Дунё истаб чиққан эдим, охират неъматини олиб келдим.

Али (р.а.) бу гапдан гоят таъсирланиб:

– Бугун сен учун энг хайрли ва баракотли кундир, – дедилар.



АЛЛОҲ ХОҲЛАГАН ЖОЙДА

Ториқ ибн Шиҳобдан ривоят қилинади.

«Бир яҳудий Ҳазрати Умардан (р.а.) сўради:

– Қуръонда: **«Жаннатнинг кенглиги осмонлар ва ер баробарида...»** (Оли Имрон, 133, маъноси) дейилмоқда. Хўш, айтинг-чи, унда дўзах қаерда бўлади?

Умар (р.а.) саҳобаларга:

– Бу одамнинг саволига жавоб беринг, – дедилар. Бироқ ҳеч кимдан жавоб чиқмади. Шунда Ҳазрати Умар (р.а.) яҳудийдан: – Ҳар кунни кўриб турганингдек, кечқурун ҳамма ер зимистонга бурканади. Айт-чи, тун чўкканда кундуз қаерда бўлади? – деб сўрадилар.

– Аллоҳ хоҳлаган жойда.

– Ундай бўлса, дўзах ҳам Аллоҳ таоло хоҳлаган жойдадир.

Иттифоқо яҳудий ҳаяжонини яширолмай:

– Эй мўминларнинг амири! Аллоҳ таолога қасамки, Аллоҳ таоло нозил қилган китобда (*Таъротда*) ҳам айнан сен айтганиндай ёзилган, – деди.

«Саҳобалар ҳаёти», 3-жилддан **Абдуллоҳ МУРОД** тайёрлади

ИНЖИЛ БАШОРАТИ

(Давоми. Бошланиши 14-бетда)

Туғилиш мўъжизаси

– Мусо (а.с.) билан ва Муҳаммад (с.а.в.) оддий ва табиий йўл билан дунёга келишган, Исонинг (а.с.) дунёга келиши, ўзгача мўъжиза эди. Матфей Инжилида (1:18) нима дейилгани ёдингизда бўлса керак: **«...Унинг онаси Марям Юсуфга (Иосифга) унаштириб кўйилган эди. Улар кўшилмасларидан олдин, Марям Муқаддас Рухдан ҳомиладор экани маълум бўлди»**. Авлиё Лука ҳам бундай дейди: Унга (Марямга) муқаддас ўғил туғилиши ҳақида ваҳий келганида, Марям: **«...Мен эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлди?»** деб сўради. Фаришга жавоб қилди: **«Муқаддас Рух сенинг устинга келиб тушади, Худойи таолонинг қудрати сени қоплайди (Лука Инжили, 1:34-35)**. Қуръони Карим бу мўъжизакор туғилишни янада ҳаққоний ва олий ифодалар билан тасдиқлайди. Марям: **«Парвардигорим, менга одамзот тегмаган бўлса, қайқандан менда фарзанд бўлсин?»** деди. Аллоҳ айтди: **«Шундай, Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсасини (Ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон**

бирор ишни ирода қилса, унга: **«Бўл!»** дейди. Бас, у иш бўлади» (Оли Имрон сураси, 47-оят маъноси).

Исонни ёки ҳайвонни яратиш учун уруғлантиришга зарурат йўқ. Аллоҳ хоҳлаши биланоқ у нарса рўёбга чиқади. Мусулмонлар Исонинг туғилиши ҳақида шундай эътиқоддадир. (Мен бизнинг энг катта шахримиздаги «Инжилчилар жамияти»нинг бошлиғига Исо (а.с.) туғилиши ҳақидаги Қуръон ва Инжил талқинларини тушунтириб, қизингга қай бирини раво кўрган бўлардинг, деганимда, у бошини эгиб деди: «Қуръон талқинини»). Хуллас, мен роҳибдан сўрадим:

– Мусо (а.с.) билан Муҳаммаддан (с.а.в.) фарқли ўлароқ, Исонинг (а.с.) туғилишлари мўъжизакор эди, тўғрими?

У ғурур билан:


– Ҳа, – деб жавоб қилди.

Мен дедим:

– Шунинг учун ҳам Исо (а.с.) Мусога (а.с.) ўхшамайди, Муҳаммад (с.а.в.) эса ўхшайдилар. Ахир, Парвардигор Мусога «Сенга ўхшаган, деди (*Таърот, 5-китоб, 18:18*). Сенга, яъни, Мусога ўхшаган. Муҳаммад (с.а.в.) Мусога (а.с.) ўхшайдилар.

(Давоми келгуси сонда)

БОШҚОТИРМА



Бўйига: 1. Шаҳар. 2. Тоғ. 3. Ўқиш (оятни). 4. Ватан ...дан бошланади. 5. Сура. 6. Қолип, нухса. 7. Сура номи. 8. Шерик, бирга ишловчи. 16. Ушалмаган орзу. 17. Комил инсонлар. 18. Дўзах устидаги кўприк. 19. Дин. 25. Пайғамбар йўлидан борувчилар. 26. Заиф, кучсиз (аёл). 27. Аллоҳнинг исми-сифатларидан бири. 28. Хушбўй модда. 29. Вақтинча яшаш учун олинган уй. 30. Етказилган зарар учун тўлов. 31. Айшу... 32. Отанинг акаси. 36. «Йўқ»нинг зидди . 37. Улов. 38. Миқдор. 39. Овоз.

Энига: 9. Жаннат ҳовузи. 10. Пайғамбар. 11. Ернинг томи. 12. Жаннат билан дўзах ораси. 13. Рўзада оғиз очиш. 14. Ҳобилнинг қотили. 15. Иброҳимнинг (а.с.) аёли. 20. Китоб. 21.Тазарру. 22. Чақалоқ билан боғлиқ маросим. 23. Мадиналик аёл. 24. «Ислому қуввати» дейилган шаҳар. 27. Журнал. 29. Бўйсунуш. 31. Бино. 33. Осиёдаги давлат. 34. Ўрнак, намуна. 35. Сарсон. 40. Канаданинг пойтахти. 41. Чолғу асбоби. 42. Нарх. 43. Ўт ёқса ичи оқарар, сув сепса ичидагилар қизарар.

Тузувчилар: **Жамшид НЕЪМАТ, Равшан КОМИЛ**

МАСАЛА-ТОНИШИМОҚЛАР

1. Наҳосатда юрувчи ва наҳосат еювчи, аммо унинг зарари-ни дафъ қилувчи модда ўзига жо қилинган махлуқ.
2. Аллоҳ хунук деган товуш.
3. Бир вақтнинг ўзида фақат битта одам қила олиши мумкин бўлган амал.
4. Саждаи саҳв қилиш мумкин бўлмаган намозлар.
5. Эрига итоат этмаса-да, эридан нафақа олишга ҳақли аёл.
6. Жума хутбаси чоғи савдо қилишига руҳсат берилган шахс.
7. Аллоҳ зўр санаган салбий амал.

Бошқотирма жавоблари 2001 йил 1-сон

Бўйига: 1. Балх. 2. Қабр. 3. Бухайро. 4. Одоб. 5. Изор. 6. Моликий. 7. Қавм. 8. Элёр. 9. Занжи. 10. Тоқат. 11. Оқил. 12. Олим. 13. Муҳлат. 14. Тил. 15. Жилбоб. 16. Тул. 17. Мис. 18. Амр. 19. Ийд. 20. Қадр. 21. Варақа. 22. Ота. 23. Ака. 24. Суннат. 25. Алла. 26. Барзах. 27. Виждон. 28. Нас. 29. Ажр. 30. Амма. 31. Сулҳ.

Энига: 3. Бусро. 5. Ислому. 9. Забур. 15. Жобир. 17. Мим. 23. Аббосий. 25. Аёл. 26. Бадр. 29. Азон. 32. Ана. 33. Тобут. 34. Асл. 35. Хорун. 36. Муборак. 37. Қимор. 38. Арқам. 39. Луг. 40. Умр. 41. Ҳалол. 42. Али. 43. Тол. 44. Бадал. 45. Банда. 46. Сур. 47. Тоқ. 48. Муватто. 49. Аза. 50. Олов. 51. Амин. 52. Золим. 53. Сафар. 54. Усайд. 55. Хутба. 56. Ҳасан.